

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ НАСИМ КАМОЛОВИЧ

**XX АСРНИНГ ОХИРИ ВА XXI АСР БОШЛАРИ ДОСТОНЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
филологических наук**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of (DSc)
philological Science**

Ачилов Насим Камолович XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари достончилиқ анъаналарининг сақланиш ҳолати.....	3
Ачилов Насим Камолович Состояние сохранности дастанных традиций в конце XX – начале XXI века	35
Achilov Nasim Kamolovich Current state of preservation of the folk epos traditions at the end of the XX century and the beginning of the XXI century.....	68
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	73

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЧИЛОВ НАСИМ КАМОЛОВИЧ

**XX АСРНИНГ ОХИРИ ВА XXI АСР БОШЛАРИ ДОСТОНЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИНИНГ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc / Fil111 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирзаев Тўра

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алламбергенов Кенесбай

филология фанлари доктори, профессор

Эшонкулов Жоппор Солиевич

филология фанлари доктори, профессор

Сариев Санъатжон Матчонбоевич

филология фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ сони билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Л.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида эпик анъананинг генезиси, тадрижий таракқиёти ва бахши ижрочилигининг миллий бадий тафаккур контекстида тутган ўрнини белгилашга ҳозирги замонда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада дунё халқлари орасида турли номлар билан аталиб келинган эпик куйчи типининг ўзига хос табиати, ижро санъати, устоз-шогирдлик муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари, эпик репертуарнинг бойиб бориш омиллари, бахшиларнинг ижро техникаси, маҳорати ва бадий-эстетик қарашлари тарихий-генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган муштарак ижодий жараённинг ҳар хил кўринишлари эканлиги исботланди. Бу эса жаҳон, шу жумладан, туркий фольклоршуносликда эпик куйчи ва унинг ижрочилик анъаналари, эпик репертуарнинг шаклланиши, дostonчилик мактаблари, дostonлар генезиси, таснифи ва поэтикаси, эпик сюжет, образ ва мотивлар типологияси каби миллий эпосшуносликнинг назарий масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг яратилишини таъминлаган.

Дунё эпосшунослигидаги методологик ёндашувлар кейинги йилларда структурал-типологик, функционал-семиотик ва руҳий таҳлил усуллари асосида концептуал жиҳатдан янгиланди. Айниқса, Югославияда XX асрнинг иккинчи ярмигача ўзининг жонли ижрочилик ҳолатини сақлаб келган эпик анъанани тадқиқ этган А.Лорд ҳамда унинг америкалик ҳамкасби М.Пэрри, туркий халқлар эпик ижодиётининг тарихий асослари, миллий версиялар типологияси ва бахши ижодиётининг тарихий тақдири масалаларини ўрганган олмон фольклоршуноси К.Райхлнинг асарларида дoston ва дostonчилик санъатининг юзага келиши, таракқиёти ва бадий анъананинг сақланиб қолиши бевосита эпик куйчилар ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатларининг сақланишига боғлиқ эканлиги исботланган. Дарҳақиқат, эпик ижодиёт бахши-шоирлар, жировлар, оқинлар, қиссахонлар ва халфаларнинг барқарор анъаналар доирасида шаклланган этномаданий қадриятдир. Бахши-шоирларнинг эстетик идеалида халқнинг келажак орзулари, фаровон ҳаёти ва қаҳрамонлик характерини мужассамлаштирувчи хусусиятлар эпос қобиғи асосида эпик хотира орқали етиб келган. Бахшиларнинг эпик воқеликни ижро ва ижод этиш анъанаси бахшичилик ва дostonчилик санъатида профессионаллашувни юзага чиқариб, унинг кенг оммалашувига имкон яратган.

Янги Ўзбекистонда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, хусусан, халқ терма ва дostonларини ижро этувчи, сақлаб қолувчи ҳамда келгуси авлодга етказувчи юксак профессионал тайёргарликка эга бўлган ижодкор – бахшилар ижодини қадрлаш, қадимиятни бугунги давр билан боғловчи бахшичилик санъатини сақлаб қолиш, ривожлантириш, ёш бахши-шоирлар ижодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда бахшилар ижоди ва фаолиятини кенг миқёсда ўрганиш, тарғиб этиш ишлари давлат сиёсати даражасига

кўтарилганлиги боис халқ эпосининг тадрижий тараққиёти, эволюцияси ва ғоявий-бадий хусусиятларини кенг кўламда тадқиқ этишнинг янги босқичи бошланди. “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорда “Ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига хурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш” дек олижаноб вазифалардан иборат кўрсатмалар белгиланганлиги бахшичилик ва дostonчилик санъатининг нафақат жонли жараёндаги сақланишини, балки ушбу санъатни жаҳон халқлари ижодиёти контекстида ўрганиш учун янги имкониятларга йўл очди¹. Бахшичилик ва дostonчилик санъатининг тарихий тараққиёти, бахшиларнинг дoston ижро этиш маҳоратлари, дostonчилик мактабларида устоз ва шогирд анъаналари, дostonларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, соз ва сўзнинг бадий таъсирчанлигига эътибор масалаларини ўрганиш ҳозирги ўзбек фольклоршунослигининг долзарб йўналишларидандир. Бахши ижодиётининг бугунги жонли жараёндаги сақланиш ҳолати, бахшилар ижросида эпик хотира, билим ва дунёқарашнинг ўрни, ижтимоий-маданий омилларнинг жонли оғзаки ижро ва барқарор узвийликка таъсири ҳамда дostonчиликнинг сақланиш ҳолати билан боғлиқ масалаларни Сурхондарё ва Қашқадарёда давом этаётган бахшичилик санъати материаллари асосида тарихий-фольклорий жараён динамикаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш диссертация ишининг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик давлатни ижтимоий,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил, 2 ноябрь.

хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Эпик ижодиётнинг ўзига хослиги, дostonчилик анъаналарининг генезиси ва бадиий эволюцияси, халқ эпоси поэтикаси, бахшилар маҳорати, эпик сюжетларнинг шаклланиш тарихи, манбалари ва тадрижий ривожи, дostonчилик анъаналарининг миллий поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрнини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Harvard (USA), University of Bonn (Germany), University of British Columbia (Canada), Academy of Korean Studies Grant (Korean), Ege Universiteti (Turkey), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Жаҳон адабиёти институти, Воронеж давлат университети, Қозон давлат университети (РФ); Vilniaus Universitetas (Lithuania), Київський національний університет (Украина), Baki Dövlət universiteti, Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor Institutı (Ozarbayjon), Еуразия ұлттық университеті (Қозоғистон), Кыргыз улуттук университети (Қирғизистон), шунингдек, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон фольклоршунослигида халқ эпоси матнини макромаданий контекст сифатида таҳлил қилиш тамойили кучайганлиги сабабли эпик репертуар ва унинг шаклланиш манбалари билан боғлиқ ижодий жараёнлар, эпос сюжети, образ ва мотивларнинг генезиси ва тарихий тараққиётини аниқлашга доир янги натижаларга эришилган, жумладан, туркий халқлар дostonларининг миллий ўзига хослиги, эпик сюжетларнинг версия ва вариантлари, қаҳрамонлик эпосининг бадиияти, эпик куйчи типининг шаклланиш тарихи ойдинлаштирилган (University of Bonn, Germany); эпик анъананинг бадиий матн – ижрочилик санъати – эпик анъана бирлигидан иборат синкретик ҳодиса эканлиги исботланган (University of Harvard, USA); Марказий Осиё халқлари эпик сюжетларининг генезиси, типологияси ва поэтик трансформацияси жараёнлари ёритилган (University of British Columbia, USA); бахшиларнинг эпик асарларни яратувчи, ижро этувчи ва авлоддан-авлодга ўтказувчи фольклор ижрочи типи сифатидаги ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган (University of Oxford, USA); Марказий ва Шарқий Осиё халқлари эпик анъаналарининг тарихий-генетик алоқадорлиги ўзбек ва корейс қаҳрамонлик эпоси сюжет тизимининг муштараклиги мисолида далилланган (University of Dongook, Корея Республикаси); эпос ва тарихий воқелик муносабати, эпик билим ва эпик хотира, туркий халқлар фольклори эпоси архаик сюжетларининг тарихий-генетик асослари таҳлил қилинган (M.Auezov Institute of Literature and Art, Қозоғистон; Baki Dövlət

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи: <https://www.harvard.edu>; <https://www.columbia.edu>; <https://www.publishersweekly.com>; <https://www.publishersweekly.com/pw/bytopic/industrynews/tipheet/article>; <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/fulllist/special/>; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razvitiya-i> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

universiteti, Ozarbayjon); mifologik эпоснинг ўзига хос хусусиятлари, асосий сюжет типлари, анъанавий мотивлар таркиби ва етакчи образлар тизимининг генезиси аниқланган (Жаҳон адабиёти институти, Москва давлат университети, Россия Федерацияси); халқ достонларининг “архаик эпос” (ёки шомон эпоси), “қаҳрамонлик эпоси”, “романик эпос” ва “тарихий эпос” каби типларни ўз ичига олган янги таснифи яратилган (Academy of Korean Studies Grant, Корея Республикаси); шарқий славян эпик сюжетларининг типологик каталоги ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия Федерацияси); достончилик мактаблари, бахшиларнинг устоз-шогирдлик анъаналари, бахшилар репертуари, достончиликнинг тарихий тараққиёти, достон турлари ва жанрий хусусиятлари, версия ва вариантлик, эпик ижодиётнинг генезиси, эпик анъана ва маҳорат, достонларда ғоявий-бадий хусусиятлар каби назарий масалалар асосланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон).

Жаҳон фольклоршунослигида ижро маҳорати, эпоснинг тадрижий тараққиёти ва эпик сюжетлар муштараклиги, образ ва мотивлар генезиси, бадий эволюцияси каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: эпик куйчи ва унинг мифопоэтик талқини масалаларини ёритиб бериш; достончилик тараққиётида эпик анъана ва бахшилар импровизациясини кўрсатиб бериш; эпос генезисини ўрганиш орқали эпик сюжетлар тизимининг шаклланиши ва такомил босқичларини аниқлаш; достончилик мактаблари ва бахшилар репертуарини ёритиш; туркий халқлар архаик мифологиясининг эпик тафаккур тарихида тутган ўрнини белгилаш; версия ва вариантларнинг шаклланишига адабий алоқалар таъсирини асослаш; достонларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини кўрсатиш; эпос жонли оғзаки анъаналарининг бугунги ҳолати ва постфольклор муносабатлари масаласини таҳлил этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Достон ва достончилик санъатининг ўзига хослиги, бахшилар эпик репертуари, эпик анъана ва маҳорат, достонларда ғоявий-бадий хусусиятлар, сюжет, образ ва мотивларнинг тарихий асослари ва бадий эволюцияси, достонларда версия ва вариантлик, умуман, эпик ижодиётнинг бошқа назарий масалалари жаҳон ва рус фольклоршуносларидан А.Б.Лорд, М.Перри, К.Райхл, В.М.Жирмунский, В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский, Б.Н.Путилов, Ю.А.Новиков каби олимлар тадқиқотларида кўзга ташланса³, ўзбек ва туркий фольклоршуносликда Ҳ.Т.Зарифов, Т.Мирзаев, М.Муродов, М.Экижи, М.Ауэзов, Б.А.Карриев, Р.З.Қидирбаева, Б.Мамедязов, Т.А.Бакчиев, Ж.Қобулниёзов, М.Саидов, Қ.Мақсетов, С.Рўзимбоев, Б.Саримсоқов, А.Қаҳҳоров, М.Қўшмоқов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов,

³ Лорд А. Сказитель. – М.: Восточная литература, 1994; Райхл К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. – М.: Восточная литература, 2008; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947; Мелетинский Е.М. “Эдда” и ранние формы эпоса. – М.: Наука, 1958; Шу муаллиф. Происхождение героического эпоса. 2-ое издание. – М.: Наука, 2004; Пропп В.Я. Русский героический эпос. – М., 1958; Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. – Л., 1988; Шу муаллиф. Эпическое сказительство. – М.: Восточная литература, 1997; Новиков Ю.А. Сказитель и былинная традиция. – СПб., 2000.

И.Ёрматов, Ж.Эшонқулов, С.Мирзаева, А.Эргашев каби тадқиқотчилар томонидан таҳлилга тортилган⁴.

Ўзбек фольклоршунослигида бахшичилик санъати ва дostonчилик анъаналарининг ҳозирги сақланиш ҳолати масаласи махсус ўрганилмаган бўлса-да, бир қатор тадқиқотларда бу хусусда қизиқарли илмий қарашлар илгари сурилган. Жумладан, М.Муродов ва А.Эргашев ҳамкорликда яратган икки китобдан иборат “Алпомишнома” тадқиқотида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида яшовчи бахшилар эпик репертуаридаги халқ дostonларининг талқинлари, “Бева Барчин” типидagi ясама дostonлар ҳақида фикр юритилган⁵. Жанубий Ўзбекистон дostonчилик анъаналарини изчил ўрганиб келаётган А.Эргашев тадқиқотларида ҳозирги эпик жараённинг ўзига хос хусусиятлари, дostonчиликни фаол давом эттириб келаётган Қора бахши Умиров, Чори бахши Умиров, Абдуназар Поёнов, Қахҳор Раҳимов ва бошқа бахшилар эпик ижодиёти ва бадий маҳорати масалалари ёритилган⁶. Ш.Қахҳорованинг Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида “Оллоназар Олчинбек” дostonининг тутган ўрни ва бадий-эстетик аҳамияти таҳлиliga бағишланган тадқиқотида бахшичилик санъатининг сақланиши билан боғлиқ баъзи мулоҳазалар билдирилган⁷. Ўзбек фольклори жанрларининг тарихий тараққиёти ва ҳозирги сақланиш ҳолатини ўрганган Б.Раҳмонов мақолаларида дostonчилик анъанасида эпик хотира, билим ва эпик онгнинг сўниб боришига сабаб бўлган омиллар, бахшилар эпик репертуарида муаллифли дostonларнинг юзага келиши каби масалалар ёритилган⁸.

⁴ Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1996; Саидов М. Ўзбек халқ дostonларида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969; Мирзаев Т. Алпомиш дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968; Шу муаллиф. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Шу муаллиф. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008; Муродов М. Эпос “Тороғлы” соқровишница душа и чайний народа. – Тошкент, 1990; Metin Ekici. Destan Arastirma ve Incelemelerinde Kullanilan Bazi Terimler Hakkinda // Milliy folklor. – Ankara, 2002. – Б.54; Ауэзов М.О. “Манас” – киргизская героическая поэма. – Алматы, 2011; Кыдырбоева Р.З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе: Илим, 1984; Карриев Б.А. Эпические сказания о Кёроғлы у тюркоязычных народов. – М., 1968; Мамедязов Б. Туркменский героический эпос “Тёроғлы”. – Ашгабат, 1992; Бакчиев Т.А. Кыргызские эпические сказители. – Бишкек, 2015; Мақсетов Қ. Қарақалпақ қахраманлық дастанларининг поэтикасы. – Тошкент: Фан, 1965; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985; Шу муаллиф. Хоразм дostonчилигида эпик анъана. – Урганч, 2008; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978; Қахҳоров А. Янги дostonлар. – Тошкент: Фан, 1985; Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. – Тошкент, 1981; Жўраев М. The Uzbek public heroic epos “Alpomish”: genesis, epic evolution and modern variants // International Sammit on Epik Studies: Toward Diversity, Creativity and Sustainability. November, 2012. – Beijing, 2012. – P.74–75; Шу муаллиф. Dastan “Alpamush” and its place in the context of epic thinking of the people of Central Asia // Arts & Humanities conference of the Silk Road. – Daegu, 2015. – P. 151–165; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1989; Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий боскичлари. – Тошкент: Фан, 2011; Шу муаллиф. Эпос ва этнос. – Тошкент: Фан, 2012; Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадиияти. – Тошкент: Фан, 1994; Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2008; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004; Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги. – Тошкент: Фан, 2008.

⁵ Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. 1-китоб. Сурхондарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 1999. – 488 б.; Шу муаллифлар. Алпомишнома. 2-китоб. Қашқадарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – 568 б.

⁶ Эргашев А. Ҳозирги эпик жараёнга бир назар / Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари. – Қарши, 2005. – Б.105-107; Шу муаллиф. Шу муаллиф. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги. – Тошкент: Фан, 2008. – 256 б. Шу муаллиф. Оилавий бахшилар сулоласи. – Термиз: Сурхон, 2019. – 200 б.

⁷ Қахҳорова Ш. Эпик анъана ва “Оллоназар Олчинбек” дostonи. – Тошкент: Муҳаррир, 2010.

⁸ Раҳмонов Б. Ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг ҳозирги аҳволи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – 5-сон. – Б.55-58; Шу муаллиф. Халқ эпоси ва замон // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент,

Ушбу тадқиқотларда эпос ва унинг ижро этилиш жараёни билан боғлиқ масалалар борасида назарий фикрлар, хулосаларга келинган бўлса-да, жонли оғзаки анъаналарнинг сўниши, ўзгариши, бундай жараёнларнинг бахши дунёқараши ва эпик репертуарига таъсири, дoston ижро этишнинг янгича усуллари, бахшилар репертуарида ясама, сунъий дostonларнинг юзага келиш омиллари, эпик маҳорат ва дostonчилик ижро шакллариининг ўзгара бориши, дoston куйлари ва ижро усуллариининг профессионал сахнага кўчиши, қолаверса, XXI аср бошларида кечаётган жонли оғзаки анъаналарнинг авлодлар давом эттиришида юзага келган ҳолатлар махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университетининг ОФ-07 рақамли “Адабиётшуносликнинг назарий масалалари ва фольклоршунослик муаммоларини тадқиқ этиш” (2017-2021) мавзусидаги илмий-тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ўзига хослиги, бугунги сақланиш ҳолати, эпик анъаналарнинг жонланиши ва тарқоқ сюжетлар эволюциясида бахши маҳоратининг ўрни, халқ дostonлари оғзаки ижро усули ва шаклларидаги ўзгаришлар, бахшилар репертуарида терма ижодкорлиги ва индивидуал ижронинг кучайиб бориш омиллари, дoston ижро этишда парчаланиш ва унинг профессионал сахнага кўчиш усуллари ҳамда ҳозирги жонли оғзаки анъаналарнинг сақланишида эпик хотира, билим ва дунёқарашнинг ўрнини очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ўзига хослиги, бахши шахси ва унинг шомонлик генезиси билан боғлиқ хусусияти масалаларини ёритиш;

умумўзбек бахшичилик ва дostonчилик санъати негизида Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг ўзига хослиги ва локаль хусусиятларини очиб бериш;

Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг бугунги ҳолати ва эпик анъана тақдири масаласини Шеробод дostonчилик мактаби бахши-шоирлари репертуари ва ижро маҳорати мисолида кўрсатиш;

Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналари жонланишида Қодир бахшининг дostonчилик фаолиятини аниқлаш;

тарқоқ сюжетларнинг бадий эволюцияси, уларнинг яхлит сюжет ва композицион тугал ҳолатда ижро этилишида бахши маҳоратининг ўрни масалаларини белгилаш;

эпик маҳорат ва дostonчиликда ижро шакллариининг ўзгариш тамойилларини кўрсатиш;

бахшилар ижросида индивидуал ижодкорликнинг кучайиши ва дostonчиликда анъананинг бузилиш ҳолатига баҳо бериш;

дoston ижроси ва куйларининг профессионал сахна санъатига кўчиш жараёнини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивидаги 1427, №1514, №1814/1-3-инвентарь рақамли қўлёзмалар, шунингдек, А. Қаҳҳоров, А. Эргашевларнинг шахсий архивида сақланаётган Қодир бахшининг “Зайдиной”, “Кунтуғмиш”, “Алпомиш”, “Малла савдогар”, Мардонакул Авлиёкул ўғлининг “Оллоназар” дostonларининг қўлёзма ва аудио ёзувли нусхалари, тадқиқотчи томонидан ёзиб олинган Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг “Кунтуғмиш”, “Оллоназар Олчинбек”, “Таркибадахшон”, Муҳаммадали Даминовнинг “Ойчинор”, Абдуназар Поёновнинг “Оллоназар Олчинбек”, Маҳматмурод бахшининг “Аҳмад сардорнинг ўлими” дostonлари, Шомурод Тоғаев, Шодмон Хўжамбердиев, Абдумурод Раҳимовлардан ёзиб олинган термалар ҳамда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигида чоп этилган (2015-2020) дostonлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини халқ дostonлари ижро шакли ва усулларидаги ўзгаришлар, бахшилар эпик репертуарида индивидуал ижодкорликнинг кучайиб бориши, бунда дoston матнининг бузилиш ҳолатлари, сохта дostonларнинг эпик билим таназзулига сабаб бўлиши билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида тарихий-киёсий, тарихий-типологик, этнофольклористик, этнопсихологик, структурал ва биографик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон бахшиларининг ижодий фаолияти мисолида ижтимоий-маданий воқеликдаги технологик тараққиётнинг жонли эпик анъанага таъсири туфайли дostonчиликда сўниш жараёни юзага келиши ва бахшилар эпик репертуарида индивидуал ижодкорликнинг кучайиб бориши натижасида дoston ижрочилигида анъананинг узилиш ҳолати рўй бериши исботланган;

бахшичилик санъатида жонли ижро ҳолатининг сақланиб қолишига дostonчилик мактаблари фаолиятидаги эпик анъана изчиллиги, бахши-шоирлар эпик репертуарининг муттасил бойиб бориши ва устоз-шогирд муносабатларининг давомийлиги асос бўлгани аниқланган;

Қодир бахшининг дostonчилик фаолиятини таҳлил қилиш асосида бахшичилик санъатининг сақланиши ҳамда эпик анъананинг қайта жонланиши эпик хотира, билим ва дунёқарашнинг тикланиши билан бевосита алоқадорлиги далилланган;

эпосни ўзлаштиришда барқарор узвийликнинг давом этмаганлиги бахшилар ижросида индивидуал ижодкорликнинг кучайиши, дostonчиликда анъананинг бузилиши ва сохта дostonларнинг эпик билим таназзулига олиб келаётган ҳолатлар репертуарда ясама, сунъий дostonларни шакллантириб, ноанъанавий дostonларнинг яратилишига сабаб бўлаётганлиги илмий ўрганилган;

бахшилар ижросида терма ижодкорлигининг кучайиб бориши, дostonларда тўртлик ва бешлик банд тузилишининг қатъийлашиши жонли

оғзаки анъананинг сўниши жараёнига хос ҳолатлар эканлиги далилланган ҳамда дoston матнининг бузилиши ва сохта дostonларнинг юзага келиш ҳолатлари очиб берилган;

дoston ижроси ва куйларининг профессионаллашуви ҳамда бахшичилик санъатининг сахнавий талқинга кўчиши Жанубий Ўзбекистон эпик анъанасининг ҳозирги ҳолатига хос асосий хусусият эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари дostonчилигининг сақланиш ҳолати ва эпик анъананинг тақдири масаласи Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги мисолида кўрсатилган;

Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг ўзига хослиги, ўрганилиши ва унинг умумўзбек ижодиётидаги ўрни, Шеробод дostonчилик мактабининг тараққиёти ва тадрижий ривожланишида устоз-шоғирдлик анъаналари ва бахшилар репертуари масалалари илмий ёритиб берилган;

XX асрнинг иккинчи ярми Жанубий Ўзбекистон дostonчилик анъанасининг асосий хусусиятларини ўзида мужассалаштирган Қодир бахшининг эпик репертуари ва тарқоқ сюжетларнинг тугал ҳолатга келтиришдаги ўрни аниқланган;

эпик маҳорат ва дostonчилик ижро шакллариининг ўзгара бориш усулларига эътибор қаратилиб, бунда бахшилар ижросида дostonларнинг парчаланиш ҳолати ва ижронинг профессионал сахнага кўчиш усуллари кўрсатилган;

бахшилар ижросида индивидуал ижодкорликнинг кучайиши ва дostonчиликда анъананинг бузилиш ҳолатлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дostonчилик анъаналарининг ҳозирги сақланиш ҳолати, бахшилар ижросида ясама, сунъий дostonларнинг ижро этилиши, дoston ижро усули ва шаклларидаги ўзгаришлар ижро жараёнида ёзиб олинган материаллар асосида таҳлилга тортилганлиги, ечилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, жонли оғзаки анъаналарнинг давом этиш жараёнларини қиёсий таҳлил қилиш муаммолари жаҳон фольклоршунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашларига таяниб ҳал этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари дostonчилик анъаналарининг қиёсий таҳлили асосида чиқарилган назарий хулосалар, халқ дostonларининг ижро этилиши, бахшилар эпик репертуари, эпик анъана ва маҳорат масалаларини ўрганиш асносида олинган натижалар эпос назарияси ва эпик сюжетлар генезисини янада кенгроқ кўламда тадқиқ этишга, тарихий-фольклорий жараён динамикаси ва постъфольклорнинг юзага келиш омилларини кўрсатишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унинг асосий илмий хулосалари ва материалларидан олий ўқув юртларида “Ўзбек фольклори”, “Ўзбек мифологияси”, “Бахшичилик санъати ва дostonчилик мактаблари” фанлари ва ўқув курслари бўйича олиб бориладиган машғулотларда,

шунингдек, ўқув дастури, дарслик, ўқув кўлланма ҳамда маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Достончилик анъаналарининг ҳозирги сақланиш ҳолати, халқ достонлари ижро шакли ва усуллари, бахшилар репертуари ва достончилик мактаблари, эпик анъана ва маҳорат, достонларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, терма ижодкорлиги бўйича олинган натижалар асосида:

бахшичилик санъатининг ўзига хослиги, достон ва унинг турлари, жанр хусусиятлари, халқ достонлари ижро шакли ва усуллари, бунда бахши шахси ва унинг ижрочилик маҳорати, қаҳрамонлик достонининг ғоявий-бадий талқини, образлар таркиби, бахши-шоирлар ва достончилик мактабларидаги ўрни масаласига доир илмий-назарий хулосаларидан Термиз давлат университетида бажарилган И-2013-54-рақамли “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи” мавзусидаги инновация лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3642-сон маълумотномаси). Натижада достончилик мактабларининг ижро усуллари, халқ достонларининг турлари, “Алпомиш” достонининг версия ва вариантлари, достон ижросида дўмбира куйларининг ўрни масаласига доир янги илмий қарашлар асосланишига эришилган;

фольклор асарларида халқ маънавий оламининг бадий ифода этилиши, халқ достонларида ҳаётий воқелик ва ижтимоий муносабатларнинг ўрни, бахши-шоирлар ижодининг ҳозирги маънавий-маданий тараққиётдаги аҳамиятига доир таҳлилий умумлашмалари Қарши давлат университетида бажарилган ОТ-Ф8-002-рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3642-сон маълумотномаси). Натижада халқ достонларининг шахс ижтимоий қиёфасининг шаклланишига таъсири ва унинг бадий-эстетик тафаккурини ўстиришдаги ўрнини кўрсатишга эришилган;

достонлар сюжети, мотив ва образларининг генезиси, шаклланиши, бахши ижрочилигининг тарихий асослари архаик фольклор ва мифологик эътиқодлар билан боғлиқлигига доир илмий-назарий қарашларидан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919-рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3642-сон маълумотномаси). Натижада эпик сюжет, мотив ва образларнинг юзага келишида дастлаб мифологик сюжетларнинг ўрни мавжудлиги, мифопоэтик тафаккурнинг халқ достонлари сюжети шаклланишида тутган ўрнини аниқлашга эришилган;

достонларнинг халқ педагогикаси билан алоқадорлиги ва достончилик анъаналарида умуминсоний қадриятларнинг акс этишига доир илмий

қарашларидан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган ХТ-Ф2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3642-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида халқ дostonларидаги бадиий воситалардан фойдаланишнинг педагогик асосларига доир илмий қарашларни такомиллаштириш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

дostonчилик санъатининг ҳозирги сақланиш ҳолати ва бахши-шоирлар ижодий фаолиятида юз бераётган ўзгаришлар, устоз-шогирдлик анъаналарининг эпик хотиранинг давомийлигида тутган ўрни, бахшичиликнинг замонавий ижро усуллари ва сахнавий талқинларига доир илмий қарашларидан “Ўзбекистон” миллий телерадиокомпанияси “Қашқадарё” бўлимининг “Файзли кун” телекўрсатуви ва “Илму маърифат” радиоэшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Қашқадарё” телевидениесининг 2020 йил 8 ва 9 сентябрдаги 689 ҳамда 741-сон маълумотномалари). Натижада бахшилар ижросининг маърифий-эстетик аҳамияти, дostonларнинг ёш авлод дунёқараши ва тафаккурини ўстиришдаги ўрни, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда муҳим ўрин тутиши, фольклор намуналарининг юксак тарбиявий аҳамияти ҳақидаги илмий қарашларни кенг кўламда оммалаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 42 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан 1 та монография, 1 та рисола ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 11 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 255 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотнинг **“Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги ва эпик анъананинг ҳозирги сақланиш ҳолати”** номли биринчи бобининг биринчи фасли **“Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилигининг ўрганилиши”** деб аталган. Ушбу бобда умумўзбек эпосининг ўзига хослиги, ижро хусусиятлари, бахши ва унинг ижро репертуари, дostonчилик мактаблари, Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги, унинг ўрганилиши ва бугунги сақланиш ҳолати ҳамда эпик анъана тақдири масалалари ҳақида фикр билдирилган.

Ўзбек фольклоршунослигининг улкан ютуқларидан бири бахши-шоирлар ҳаёти ва фаолияти, репертуари, устоз-шогирдлик анъанаси, шажараси, дostonчилик мактабларининг мавжудлигини аниқлаш бўлса, иккинчидан, ёзиб олинган дoston намуналарини чоп этириш ҳамда уларни жаҳон фольклоршунослиги ютуқлари асосида тадқиқ этилишида бўлди. Фольклоршуносларимиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги дostonчилик мактабларини аниқлаб, уларнинг ўзига хос ва умумий жиҳатларини белгилар экан, бир илмий ҳақиқатни ёрқин намоён этишга интилди. Ўзбек халқ дostonчилиги яхлит, мукаммал, ягона ҳодиса бўлиб, ҳар бир дostonчилик мактаби унинг узвий, таркибий қисмидир. Дostonчилик анъаналари Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ҳар хил жараённи бошдан кечирган. Жанубий Ўзбекистон воҳаси эса дostonчилик тарихида алоҳида воқеадир. Шундай экан, дostonчиликнинг илдизлари, шаклланиши, ривож ва сақланиш ҳолатини ўрганишда Жанубий Ўзбекистон муҳим объект бўла олади. Бу воҳанинг ўзига хос қадимий маданий анъаналари шубҳасиз, дostonчиликнинг тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Шу боисдан дostonчилик мактаблари ва бахши-шоирлар репертуари, уларнинг ижро маҳорати масалаларини ҳудудий таҳлил қилиш ҳамда локаль хусусиятларини умумўзбек бахшичилик санъати доирасида ўрганиш ишлари Сурхондарё, Қашқадарё воҳаси мисолида ҳам олиб борилди ва бир қатор тадқиқотлар юзага келди.

Қашқадарё, Сурхондарё воҳаси дostonчилигига қизиқиш XX асрнинг бошларидан бошланган. 1929 йилда Ғози Олим Юнусов бошчилигида ташкил этилган фольклор, этнография ва диалектология экспедициясида қашқадарёлик Хидир бахши, Бойсари бахши, Ражаб шоир, Абдулла шоир ва бойсунлик Холиёр бахши Абдукарим ўғлидан айрим дostonлар ёзиб олинган⁹. Бу ўринда ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Халқ дostonлари ижро шакли қадимий анъаналар доирасида сақланган бўлиб, бахшиларнинг эпик ижодиёт қонунларига муносабати кучли бўлган. Бахшилар билан доимий алоқанинг йўлга қўйилмаганлиги, шўролар тузумининг репрессия даври кўплаб бахшиларнинг ўз санъатларига ижодкорона ёндашмаганлигига сабаб бўлган. Бу эса анъанада мавжуд бўлган дoston намуналарининг унутилишига олиб

⁹ Зарифов Ҳ. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия. II китоб. – Тошкент, 1941; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1948.

келди. Қашқадарё, Сурхондарё дostonчилигини комплекс ўрганиш ишлари, асосан, 1945 йилда бошланиб, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти томонидан ташкил этилган фольклор экспедицияси жараёнида етакчи бахшилардан терма ва дostonларнинг ёзиб олиниши ўзбек эпосшунослиги назарий муаммоларини тадқиқ этишда муҳим фактик маълумотларни берди.

50–90-йилларда Жанубий Ўзбекистон дostonчилигини ўрганиш борасида олиб борилган кузатувларда нафақат дostonларни ёзиб олиш, нашр этиш ишлари билан бир қаторда уларни тизимли асосда ўрганиш масалалари ўз ечимини топди. Воҳа дostonчилик мактаблари, устоз-шоғирдлик анъаналари, бахши-шоирлар репертуари, уларнинг ижодга эстетик қарашлари ва дostonларда ғоявий-бадий хусусиятлар ҳамда туркумлик масалалари борасида қатор тадқиқотлар юзага келди. Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, М.Саидов, Т.Мирзаев, О.Собиров, М.Муродов, А.Қаҳҳоров, Б.Саримсоқовларнинг тадқиқотларида ушбу масалалар ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан олиб кирилди. Дostonчилик анъаналарининг ўзига хос локаль хусусиятларини воҳа бахши-шоирлар репертуари асосида ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. “Келиной”, “Ёзи билан Зебо” ҳақида ёзиб олинган терма қа қўшиқларнинг йиғма матни нашр этилди. А.Қаҳҳоров “Келиной”, Қ.Мамашукуров “Нурали” туркуми дostonлари, А.Эргашев Шеробод дostonчилиги мактабининг умумўзбек эпосида тутган ўрнини тадқиқ этган бўлсалар, кейинроқ Д.Халилова “Ёзи билан Зебо” дostonининг вариантлари, Ш.Қаҳҳорова “Оллоназар Олчинбек” дostonининг Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида тутган ўрнини таҳлил қилди. Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги мисолида эпик анъаналарнинг сақланиш ҳолати юзасидан Н.Очиловнинг кузатувлари ҳам шулар жумласига киради¹⁰. М.Муродов ва А.Эргашевларнинг икки китобдан иборат “Алпомишнома” асари, А.Эргашевнинг “Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги” каби монографик тадқиқотларида ҳам ушбу воҳа дostonчилиги ва етакчи бахшилар ижоди ҳар томонлама таҳлил қилинади. Қашқадарё, Сурхондарё дostonчилик анъаналарини ўрганиш борасида олиб борилган ишлар жаҳон ва ўзбек фольклоршунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашлари асосида тадқиқ этилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Жанубий Ўзбекистон дostonчилик анъаналари борасида фольклоршунослар билан бир қаторда адабиётшунос, журналист ва фольклор ихлосмандларининг ҳам кузатувлари мавжуд. Воҳа дostonчилик ва бахшичилик анъаналарини комплекс, тизимли ўрганиш ишлари амалга оширилган ва оширилиб келмоқда. Уларни ўрганиш ишлари билан боғлиқ тадқиқотларни янада кучайтирмоқ ҳамда уларга фольклоршунослик ютуқлари асосида баҳо бериш ишларини йўлга қўйиш лозим.

¹⁰ Қаҳҳоров А. “Келиной” туркум дostonларининг ўзига хос хусусиятлари. Филолог. фан.ном.дисс... автореф. – Тошкент, 1972; Мамашукуров Қ. “Нурали” туркум дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. Филолог. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 1988; Эргашев А. “Шеробод” дostonчилик мактаби. Филолог. фан. ном.дисс.. автореф. – Тошкент, 1991; Халилова Д. “Ёзи билан Зебо” дostonининг вариантлари ва бадиияти. Филол. фан.ном.дисс... автореф. – Тошкент, 2004; Қаҳҳорова Ш. Эпик анъана ва “Оллоназар Олчинбек” дostonи. – Тошкент: Муҳаррир, 2010; Очилов Н. Бахшичилик санъати ва эпик репертуар. – Тошкент: Фан, 2020.

Биринчи бобнинг **“Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг ўзига хос хусусиятлари ва эпик анъананинг сақланиш ҳолати”** деб номланувчи иккинчи фаслида Жанубий Ўзбекистон дostonчилигига хос хусусиятлар, дostonчилик мактаблари, уларга хос ижро йўллари, дostonларнинг воҳа бахшилари репертуарига хос локаль хусусиятлар ҳамда дostonчилик анъаналарининг ҳозирги сақланиш ҳолати ҳақида назарий қарашлар билдирилган.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги ҳақида фикр юритганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳудудда дoston ижро этиш анча кучли ва қадимий анъаналарни сақлаган ҳолда ривожланиб, бахшилар аудиториясининг кенгайишига сабаб бўлган. Устоз ва шогирд, бахши шахси ва унинг дoston ижроси, анъана ва бадиҳа, жамоа ва индивидуал ижод, соз ва сўзнинг бадий кучига таъсир каби масалалар муҳим аҳамият касб этган. Эпик ижрога бўлган мана шундай хусусиятлар кўплаб талантли бахши-шоирларни тарбиялаб етиштирдик, ушбу бахшилар воҳа дostonчилигининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Воҳа дostonчилигининг ўзига хос хусусиятлари бевосита Шеробод, Бойсун, Бешқўтон, Чирокчи ва Қамай дostonчилик мактаблари, бахши-шоирлар репертуари ва ижро маҳоратига хос усул ва йўлларининг ўхшаш ва фарқли томонларида кўзга ташланади. Анъанавий ижрода сюжет, мотив ва образларнинг сақланиши, бунда устоз-шогирдлик муносабатларининг ўрни, дoston ижросига хос куй (нағма)лар, бадий-тасвирий воситаларнинг дostonчилик мактаблари ва бахшилар репертуарида узвий давомийлиги масалалари ҳам муҳим ўринлардандир. Қашқадарё, Сурхондарё дostonчилигига хос хусусиятлар борасида олимларнинг кузатувлари мавжуд бўлиб, улар асосан дostonчилик мактаблари доирасида кўрсатилган¹¹.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг ўзига хослигини кўрсатувчи белгилардан бири “Оллоназар Олчинбек”, “Олтин қобоқ”, “Ойпарча” “Таркибадахшон”, “Зайидқул”, “Шаҳиднома”, “Малла савдогар”, “Келиной” каби дostonлар фақат воҳа бахши-шоирлари репертуарида ижро этилган ва бугунги кунда ҳам жонли жараёнларда куйланиб келмоқда. Шу билан бир қаторда “Нурали” (ушбу дoston воҳа дostonчилигида энг кўп ижро этилган, хаттоки, туркумлик доирасида оммалашган), “Авазхон” каби анъанавий дostonларнинг ижро этилиши шу ҳудуд бахши-шоирлари номи билан боғланади. Қолаверса, бугунги жонли оғзаки анъаналарнинг нисбатан сақланиши ҳам Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида кўзга ташланмоқда. Республикамизда кўплаб дostonчилик мактабларининг халқ маиший ҳаётида давом этмаганлиги ушбу ҳудудларда дoston тинглашга бўлган ҳаракатларнинг сусайишига олиб келди. Бу каби ҳолатлар маданий

¹¹ Зарифов Х. Ўзбек фольклоршунослиги тарихидан // Ўзбек фольклори масалалари. – Тошкент: Фан, 1970; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969; Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968; Шу муаллиф. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1978. Шу муаллиф. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008; Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. – Тошкент: Фан, 1984; Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. 2-китоб. – Тошкент: 1999-2000; Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги. – Тошкент: Фан, 2008.

омилларнинг таъсири асосида ҳам юзага келган. XX асрда кечган илмий-техникавий ривожланиш, глобаллашув, ахборот алмашувининг тезлашгани, халқимиз оммавий саводхонлик даражасининг ошгани, ёзма адабиёт ва бошқа санъат турларининг халқ маданий ҳаётидан кенг ўрин олгани дostonчиликнинг аввалги мавқеини анча сустлаштирди. Бир қатор дostonчилик мактабларининг сўнишига сабаб бўлди. Шундай бўлса-да, Қашқадарё, Сурхондарёда бугунги жонли жараёнларда дostonчилик санъати ижро шакли ўзгарган ҳолда давом этмоқда. Бундай ҳолатлар жонли оғзаки анъаналарнинг маълум маънода ўзгаришига олиб келди. Дoston куйлаш усуллари ўзгариб, у сахнага кўчди.

Ёзма адабиёт, кино, оммавий ахборот воситалари ва глобал тармоқнинг халқ маиший ҳаётига кириб келиши бахшини тинглашга бўлган маънавий эҳтиёжни сустлаштирди. “Ҳозирги давр кишисининг эстетик диди ёзма адабиётнинг мураккаб эстетик талаблари асосида шаклланган; у халқ эпосига хос эстетик кўлам ва диддан қониқа олмайди”¹². Натижада бахши тор доирада куйлайдиган бўлиб, унинг ижроси замонавий аудитория дунёқарашига мослашди. Эпоснинг тасвир услуби ҳозирги замон воқелиги ва ҳозирги инсон руҳий кечинмаларини, унинг мураккаб ҳаёт манзараларини тасвирлашга ожизлик қилиб қолмоқда.

Бахшичилик санъатини оғзаки ўрганиб, уни авлодларга оғзаки тарзда ўтказувчи бадиҳагўй бахшиларнинг ҳаётдан кўз юмганлиги, янги авлоднинг анъаналарни тўлиқ ўтказолмаганлиги эпос ижрочилигининг бир қатор ҳудудларда сўнишига сабаб бўлди. Бугунги кунда Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида давом этаётган бахшичилик санъатига қизиқиш, бахшини дoston айттиришга бўлган талаб ва эҳтиёжлар мавжуд бўлиб, бу каби жараёнлар ёш авлодни дoston куйлашга қизиқтирмоқда. Аудиториянинг мавжудлиги, бахши-шоирлар ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатларининг нисбатан давом этаётганлиги ҳамда унга амал қилишлар ёшлар ўртасида дoston матнларини ўрганиш иштиёқини уйғотмоқда. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бахшилар анъанавий дostonларни ижро этишга ҳаракат қилсалар-да, бугунги адабий-маданий ҳаёт туфайли ўзларида муаллифлик ҳисси, эпосга ижодий ёндашув туйғуси кучайиб бормоқда.

Бахшилар ўзларини янги давр ижодкори сифатида баҳолай бошладиларки, бунда бадий мезонларда тингловчилар дунёқарашини асосида дoston воқеаларига эркин ижодий ёндашиш ҳолатларини шакллантирди. Бахшиларнинг саводхонлиги чоп этилган дoston матнлари ва ёзма адабиёт намуналаридан ижодий жараёнларда эркин фойдаланиш имконини яратмоқда. Буларнинг барчаси оғзаки шароитда дoston ижро этишнинг аста-секинлик билан сўниб боришини тезлаштирмоқда. Бахшилар ижроси ва эпик репертуари билан боғлиқ бу каби ўзгаришлар индивидуал ижодкорликни кучайтириб, дoston матнларининг бузилишига олиб келди. Бугун воҳада

¹² Саримсоқов Б. “Алпомиш” классик эпос намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – 4-сон. – Б.7.

достон ижро этиш анъанаси давом этаётган экан, унинг жонли жараёнда сақланишига қуйидагилар асосий сабаблардан ҳисобланади:

Биринчидан, эпик муҳит ва маросимнинг узвийликда давом этаётганлиги, кекса авлод кишиларининг бахшини тинглашга ва ижодидан баҳраманд бўлишга интилиши, тўйлар, давралар ва байрамларда бахшиларни таклиф қилишга уринишлар ҳам ёш авлодни ушбу санъат турига бўлган қизиқишини орттирмоқда.

Иккинчидан, эпик хотира, билим ва дунёқарашнинг устоз кўрган, достон ижро этиш усуллари оғзаки ўрганган бадиҳагўй бахшилар авлодининг ижросида сақланганлиги билан боғлиқ.

Учинчидан, бахшининг замонавий аудиторияси оммавий ахборот воситалари ҳамда аудио ва видео шаклдаги кўринишларда намоён бўлмоқда. Бу эса бахшилар ижросида янгича талқинларни юзага чиқарди. Жонли жараёнда кечаётган ушбу ҳолатлар бугунги кунда достон ижро этишнинг имкониятларини кенгайтирмоқда. Бахшилар замонавий ижрочи сифатида театрлаштирилган сахналарда, телевидение, радио ва аудио ҳамда видео кўринишларда намоёиш этилаётган ижрочилик маҳоратлари билан кишиларнинг баҳраманд бўлишига сабаб бўлмоқдалар.

Тўртинчидан, миллий қадриятимиз тимсолига айланган номоддий маданий мерос дурдоналари, жумладан, бахшичилик ва достончилик санъатини сақлаб қолиш, ривожлантириш, ёш бахши-шоирлар ижодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ушбу санъатнинг нисбатан сақланиб туришини таъминламоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жанубий Ўзбекистон достончилигида эпик сюжетларнинг сақланиш ҳолати ва қайта жонланишида анъананинг тутган ўрни”** деб аталган бўлиб, унинг биринчи фасли **“Эпик анъананинг қайта жонланишида бахши маҳорати”**га бағишланган. Ушбу бобда эпик сюжетларнинг сақланиши ва қайта жонланишида анъананинг тутган ўрни масаласи Қодир бахши репертуари ва унинг достончилик фаолияти мисолида таҳлил қилинган.

XX асрнинг 60–80-йиллари Жанубий Ўзбекистон воҳаси достончилигида анъанавий эпик сюжетларнинг маълум маънода сақланиши ва қайта жонланишида Қора ва Чори Умиров, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов, Хушвақт Мардонақулов, Шоберди Болтаев ва бошқа бир қатор бахши-шоирлар каби Қодир Раҳимовнинг ҳам хизматлари катта, албатта. Қодир бахши Шеробод достончилик мактабининг қашқадарёлик бадиҳагўй бахшиларидан бири бўлиб, достон ижро этиш ва тингловчиларни ўзига қаратиш борасида алоҳида ўринга эга. Ўзига хос ижрочилик маҳорати, сўзга чечанлиги, анъанавий достонларни яхши билиши, эпик хотира ва билимида сақлай олиши жиҳатидан Қодир Раҳимов алоҳида ажралиб турган. Бахшининг достончилик санъатига бўлган қизиқиши, устоз-шогирдлик анъаналари, достон ижро этиш маҳорати, бадиҳагўйлик сирлари, шогирдлари ва эпик ижрога эстетик қарашлари борасида бир қатор тадқиқот ишлари олиб

борилган. Жумладан, М.Муродов, А.Эргашевлар бахшининг саводхонлиги, олий маълумотли ўқитувчи бўлганлиги боис чоп этилган дostonларни ўқиб, репертуарида ўзлаштириш жараёнларига тўхталдилар¹³. А.Қаҳҳоров, М.Муродов, Б.Йўлдошев, А.Эргашев, Ў.Ўтаев, Д.Халилова¹⁴ ва бошқа бир катор фолькоршунос, адабиётшунос ҳамда журналистлар тадқиқот ва изланишларида бахшининг у ёки бу фаолияти акс этирилган ижодий лавҳалар яратилган.

Қодир бахши репертуарининг асосини терма ва дostonлар ташкил этган бўлса-да, унинг ижодида фольклорнинг кўплаб кичик жанрларини учратиш мумкин. Бахши-шоирларнинг жонли ижродаги анъаналарга доимо амал қилишлари, ижодий изланишлари эпик репертуарни бойитишдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бахшиларнинг саводхонлиги, халқ дostonларининг нашр этилиши эпик дунёқарашга ҳам таъсир эта бошлади. Бу каби ўзгаришлар бахшилар репертуарида умумўзбек дostonчилигига хос ижро усуллари ва дostonларни ўзлаштиришга ундади. Қодир бахши саводхонлиги, дoston матнларини ўқиб ўзлаштириши туфайли Шеробод дostonчилиги ва устозлари ижросида мавжуд бўлмаган кўплаб дostonларни репертуарига киритиб, ижро этишга ҳаракат қилган. Бу каби хусусиятлар оғзаки адабиётга ёзма адабиётнинг ёхуд чоп этирилган дostonларнинг шу ҳудуд бахшилари репертуарида ўзлаштирилиши билан боғланади. “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Муродхон” ва бошқа дostonлар шулар жумласидандир. Бахши репертуаридан ёзиб олинган “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойчинор” каби дostonларни таҳлил қилиш орқали эпик сюжетларнинг сақланиши, дostonчилик мактабларига хос ижро хусусиятлари, уларнинг ўзгара бориш усуллари, бунда адабий-эстетик омилларнинг бахши ижроси ва дунёқарашига таъсири масалалари борасида тўхталдик.

Бахшининг дostonчилик фаолияти ва маҳорати ҳақида фикр юритганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у устозларидан ўрганган дoston намуналарини маҳорат билан ижро этган. Бадиҳагўй бахши сифатида кўплаб шогирдларни тарбиялаган. Шоберди Болтаев, Рўзи Қултўраев, Хуррам бахши, Боборайим Маматмуродов, Шодмон бахши, Шойқул ва Бойқул Мирзаевлар, Жовли Тангиров, Қаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар ва бошқа бахшилар Қодир Раҳимов репертуаридаги дostonларни ўзлаштириб, бугунги жонли жараёнларнинг бевосита давом этиши ва жонланишига муваффақиятли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бахшининг дostonчиликдаги маҳорати фақатгина шогирд тарбиялаш билан чекланмасдан, ижодкор бахши сифатида ҳам репертуарида кўплаб термалар, анъанавий ва замонавий дostonларни ижро этган. Гарчи тадқиқотчилар бахши репертуарида мавжуд

¹³ Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. Сурхондарё талқини. – Тошкент: Мехнат, 1999. – Б. 313.

¹⁴ Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. – Тошкент:Фан, 1984; Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Тошкент, 1998; Ўтаев Ў. Бахшилар сардори. – Қарши: Насаф, 1998; Ўтаев Ў., Эргашев А. Қодир бахши Шеробод дostonчилиги мактабининг буюк вакили // Алпомишнома. Сурхондарё талқини. – Тошкент: Мехнат, 1999; Эргашев А., Халилова Д. “Ёзи билан Зебо” ишқ дostonи. – Қарши, 2000; “Қодир бахши абадияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2012.

достонларнинг 70 дан ортиқ деб кўрсатсалар-да, “Жорхун мастон”, Бобур ҳаёт фаслининг маълум даври воқеалари акс этган “Ойчинор” ҳамда Жанубий Ўзбекистон достончилигида машҳур “Келиной” (“Норгулой”) достонлари чоп этирилган. Баъзи достон намуналари қўлёзма, баъзилари магнит тасмасига ёзиб олинган. Ёзиб олинган намуналарни таҳлил қилиш эса бахшининг маҳоратли достончи эканлигини кўрсатади.

Қодир бахшининг достончилик фаолияти жонли оғзаки анъаналарнинг сақланиши ва қайта жонланишидаги ўрни билан ҳам белгиланади. Тўғри, бир бахши фаолияти билан эпик анъаналарнинг сақланиши ва давом этишига эришиб бўлмайди. Бахшининг достон ижро этишда Сурхондарё, Қашқадарё ижро усулига янгича талқинларни олиб кириши бошқа бахшилар ижросида оммалашди. Бу каби достон ижро этишлар ёшлар орасида кенг тарқалиб, янгича талқинлари билан ёшларни ўзига жалб этди. Қодир Раҳимов, Хушвақт Мардонакулов, Қора ва Чори Умировлар, Шоберди Болтаев каби бахшиларнинг ёшларни ушбу санъатга қизиқтира олишлари мана шу давр воҳа достончилигининг нисбатан сақланишига сабаб бўлди. Бундай ҳаракатлар достон тингловчилари ва унга бўлган қизиқувчилар сонининг ортишини кучайтирди.

Қодир бахши ижодида эпик анъанада мавжуд бўлган, бахши-шоирлар репертуарида севиб ижро этиб келинган, аммо сюжет ва композицион тугал бўлмаган “Ёзи билан Зебо”, “Келиной” каби намуналар яхлит достон сифатида муайянлашди. Бахшининг саводхонлиги ва у яшаган даврдаги маданий ҳолат таъсири ушбу достон матнларида кўзга ташланади. Достонларнинг умумий қурилишида муҳим ўрин тутувчи анъанавий қолип – эпик клише ва формулалардан, портрет яратиш, бадий-тасвирий воситалардан маҳорат билан фойдаланишлар мавжуд. Бундай хусусиятларни ушбу достонлар матнида мавжуд умумий қолипларни таҳлил қилиш асосида кўрсатиб ўтдик.

Қодир бахшининг достончилик маҳорати соз ва сўз ижрочилигини уйғунлаштира олишида ҳам кўринади. Бахши дўмбира чертганда унинг оҳанги сўз ижрочилигига мос келиши тингловчига завқ бағишлайди. Соз ва сўз, овоз нолаларининг бир-бирига мос оҳангдошлиги эса достон воқеалари, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, турли эпизод ва мотивларни ижро жараёнида янада жонлантиради. Айниқса, бахши ижро этган достонларда эпик клише ва формулалар, анъанавий ўхшатиш ва сифатлашлар, муболаға ва такрорлар ҳамда портретларнинг бадий жозибали ифодаланганлигини “Алпомиш”, “Жорхун мастон”, “Малла савдогар” ва бошқа достонлар мисолида таҳлилга тортдик. Бу эса бахшининг достончилик маҳорати ва эпик анъаналарни мукамал тарзда ўзлаштирганлигини кўрсатади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида **“Тарқоқ сюжетларнинг яхлит достон сифатида муайянлашуви”** масалалари илмий-назарий асосда таҳлил қилинган. Ўзбек халқи орасида “Ёзи билан Зебо”, “Келиной” номлари билан машҳур ишқий-романик мавзудаги асарлар шуҳрат қозонган. Дастлаб ривоят, эртак, терма-қўшиқ, кейинроқ достон шаклидаги намуналар кенг

оммалашган. Бу каби намуналарнинг халқ орасида турли вариантларда пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ва маиший ҳаётда юзага келган севги муҳаббат мавзусининг қизиқарли тарзда тарқалиши билан боғланади. “Ёзи билан Зебо”, “Келиной” ҳақидаги эпик сюжетларнинг генезиси, келиб чиқишига сабаб бўлган воқелик бир эканлиги, маҳаллий аҳоли ҳаётига доир маиший ҳолатнинг аста-секинлик билан деҳқонлар орасида, кейинроқ чорвадорлар турмушига боғланиши сюжетни шакллантирган. Икки номдаги асар сюжетининг ўхшашлиги ва бир мавзуга алоқадорлиги шундан далолат беради.

“Ёзи билан Зебо” ва “Келиной” номи билан машҳур асарларнинг тарқалиши ва оммалашishi бахши-шоирлар репертуарида дастлаб эволюцион йўл билан ўзлашиб, мустақил сюжет ва композицион тугал асар сифатида ижро этила бошланган. “Бундай кўшиқлар бир-бирига кўнгил кўйган Ёзи билан Зебо образлари билан боғлиқ ҳолда воқеабандлик касб этиши дostonнинг илк сюжет асослари шаклланишига замин яратган”¹⁵. “Ёзи билан Зебо” дostonининг Қодир ва Қаҳҳор Раҳимовлар варианты ҳақида А.Эргашев ва Д.Халиловаларнинг илмий қарашлари мавжуд¹⁶. Маълумки, фольклоршунос О.Собиров ўтган асрнинг 60 йилларида “Ёзи билан Зебо”, “Келиной” дostonларининг йиғма нашрини амалга оширган. Қодир ва Қаҳҳор бахшилар варианты шакл ва мазмуни, сюжет ва композицияси мукамаллиги, образлар таркиби ҳамда бадий-тасвирий воситаларнинг маҳорат билан ижро этилганидан далолат беради. “Келиной” дostonининг Қодир бахши варианты ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин. А.Қаҳҳоров “Келиной” дostonининг турли ҳажмдаги кўплаб вариантларини Умир шоир Сафаров, Ражаб бахши Нормурод ўғли, Ҳайим Пиримқулов, Эшқобил Қўшоқов, Бўри бахши Аҳмедов, Қодир бахши Раҳимов каби талантли бахши-шоирлардан турли номларда ёзиб олиб, уларни ғоявий-бадий жихатдан таҳлил қилар экан, вариантларда воқеаларнинг тасвирланиши кўйидаги кўринишда эканлигини таъкидлайди: “... ҳар қайси вариантда қизнинг гўзаллиги, ошиқ йигитларнинг мактовлари, унинг ишқий-руҳий кечинмалари бир-бирини тўлдириб боради. Бундан ташқари, дoston шаклига кирган вариантларнинг барчасида ошиқ йигит қизни излаб келади. Қизнинг отасига совчи юборади. Қизнинг отаси “йўқ” жавобини бергач, қизни олиб қочади”¹⁷. Тадқиқотда барча вариантлар қиёсий жихатдан ўрганилиб, “Қодир бахши, уларнинг шогирди ва нисбатан ёш бўлишига қарамасдан, “Келиной”лар орасида у куйлаган “Норгулой” дostonи тугалланган асар сифатида муҳим аҳамиятга молик”, – деган фикрга келади (55-бет). Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, олим “Келиной” дostonларини туркумлиқ доирасида ўрганса-да, унинг мафкуравий асосда яратилган янги

¹⁵ Жўраев М. Кўшиққа айланган муҳаббат қиссаси // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жылдик. 15-жилд. “Ёзи билан Зебо” (дoston). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Тошкент, 2020. – Б.4.

¹⁶ Эргашев А., Халилова Д. “Ёзи билан Зебо” – ишқ дostonи. – Қарши: Насаф, 2000; Халилова Д. “Ёзи билан Зебо” дostonининг вариантлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. диссер. автореф. – Тошкент, 2004.

¹⁷ Қаҳҳоров А. “Келиной” туркуми дostonларининг ўзига хос хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди диссер. – Тошкент, 1972. – Б.76.

типдаги дostonларга алоқаси йўқ. Диссертацияда бу каби масалаларга алоҳида тўхталдик. Чунки дostonда икки ёшнинг севги-муҳаббати, бу йўлда кечган курашлари манзараси тасвирга олинади. Ҳақиқатдан ҳам, Қодир бахши куйлаган “Норгулой”¹⁸ дostonи бошқа вариантлардан ўзининг тугал сюжети, композицион изчиллиги ва бадий мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунинг асосий сабабларидан бири бахшининг устозларидан ўрганган дoston матнини мукаммаллаштириб, яхлит сюжет ва композицион тугал ҳолатга келтира олганлиги бўлса, иккинчидан, эпик хотира ва билимида мавжуд анъанавий дoston сюжетини бадиҳа қила олганлиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда “Келиной”, “Ёзи билан Зебо” дostonларида ёзма адабиётга хос тасвир услуби, баъзи воқеаларни мураккаблаштириш ҳолатлари кўзга ташланади.

Бахши тарқоқ сюжет сифатида жонли жараёнда айтиб юрилган ушбу вариантларни тугал дoston ҳолатига келтиргунга қадар анча изланган. Шунингдек, “...бахшининг ижодий хотирасида дostonларнинг умумий сценарийси, унинг асосий сюжет ҳалқалари ва эпизодлари, ёдланган бутун парчалар ва эпос поэтикасидан иборат жуда катта эпик билим бор. Бахши ҳар галги ижро давомида ана шу имкониятлардан фойдаланган”¹⁹.

Қодир бахши репертуаридан ёзиб олинган ушбу вариантларда ёзма адабиёт элементлари ҳам учрайди. Бундай ҳолат бахшининг анъанавий сюжетга ижодий муносабатда бўлганлигини ва шу сюжетнинг умумий йўналишига янгиликлар кирита олганлигини кўрсатди. “Ёзи билан Зебо” дostonидаги эпик маконнинг аниқ жой – Майманоқ билан бошланиши, Абдуллахон образларида тарихий реаллик касб этиши, Ёзи билан Зебонинг анъанавий дostonлардагидек тўсиқларни эпик ҳомийлар ёрдамида эмас, балки реал шахслар кўмагида бартараф этиши воқеалари бахшининг сюжетга эркин ёндашуви, ўзининг индивидуал ижодкорлик маҳорати асосида баъзи эпизодлар киритгани билан боғланади. Анъанавий дostonларга хос эпик клише ва формулалар, мотив ва образлар ҳамда бошқа деталлар қиёсланса фарқли томонлар яққол кўзга ташланади. Бу каби хусусиятларни Ёрмат бободан ёзиб олинган “Зевак” дostonи матнидаги баъзи эпизод ва мотивларни қиёслаш асосида кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Қодир бахши тарқоқ сюжет сифатида мавжуд бўлган “Келиной”, “Ёзи билан Зебо” каби намуналарни яхлит композицион ҳолатга келтирганлиги унинг жонли оғзаки анъаналарда вариантлашувига сабаб бўлиб, бугунги кунда Абдуназар Поёнов, Йўлдош бахши Сувонов, Шодмон бахши Хўжамбердиев, Қаҳҳор Раҳимов, Очил бахши ва бошқалар репертуарида ижро этиб келинмоқда.

“Эпик маҳорат ва дostonчилик ижро шакллариининг ўзгара бориш усуллари” деб номланган учинчи бобнинг “Дostonларда тўртлик ва бешлик банд тузилишининг қатъийлашиб бориши” фаслида Жанубий

¹⁸ Норгулой. Дoston. Айтувчи Қодир бахши Раҳимов. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Қарши, 2011.

¹⁹ Мирзаев Т. Эпос и сказитель.– Ташкент: Фан, 2008. – С.149.

Ўзбекистон дostonчилигида шеърый шаклларнинг тўртлик ва бешлик банд тузилишида қатъийлашиб бориши, бунда бахшиларнинг саводхонлиги ва шеър назариясини пухта ўзлаштирганликлари боис ижрода такомиллашиб бориш хусусиятларига тўхталдик.

Достонларда наср ва назмнинг ижро этилиши, эпик баёнда тутган ўрни ва бадийлик даражаси бир хилликка эга бўлса-да, шеърый мисралар ҳажми ва тасвирийлиги нуқтаи назаридан фарқланади. Бу борада бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилиб, уларда эпик шеърыйнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Жумладан, В.Жирмунский, Ҳ.Зарифов, М.Саидов, Қ.Мақсетов, У.Тўйчиев, К.Райхл, Б.Раҳмонов, Н.Раимоваларнинг тадқиқотларида асосланган²⁰.

Ўзбек халқ дostonлари 11 бўғинли бўлиб, 7, 8 бўғин, асосан, воқеаларнинг жадал ривожланишида кўпроқ қўлланса, қаҳрамонларнинг отда сафари, жанг манзаралари, хабар ва чақириқлар қисқа вазнда берилади. Қаҳрамонлар монологи, таъриф-тавсифлар, ҳаракатнинг тинч, осойишталигини ифодаловчи мисралар 11 бўғинли шаклда ифодаланган²¹. Кўриниб турибдики, халқ дostonларига хос шеърый шакллар фақатгина оҳангдорликни ошириш эмас, балки воқеаларнинг ижрочи томонидан ижро этилишида ҳам муҳим ўрин тутди.

Айниқса, дoston ижрочилигида насрий ва назмий матнларнинг композицион жиҳатдан уйғунлиги, бахшининг шеърый мисралар ва бандларни оҳангдор ва изчиллик асосида тингловчиларга етказиш малакалари унинг ижодкорлик маҳоратини белгиловчи муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Дoston матнидаги мусиқийлик биринчи навбатда унинг куйлари бўлса, иккинчидан, сўзларнинг маълум қофиялар кесимида оҳангдорлигини ошириб бориши билан белгиланади. Бу каби хусусиятлар дoston ижро этиш усуллари оғзаки ўрганган бахшилар репертуарида кўзга ташланади. Масалан, Умир шоир Сафаров репертуаридан ёзиб олинган “Алпомиш”, “Ойпарча” дostonларида халқ поэзиясига хос ижро анъанавий тарзда сақланиб қолган. Дostonнинг кўплаб ўринларида бахши бандларни маълум бир изчиллик асосида эмас, балки эркин ижро ва дўмбира жўрлигида куйлаганлиги сезилиб туради. Бандлар воқеаларни маълум тўхтамга келишида, мусиқий оҳанг ва ритмик изчилликни таъминлаш билан бир қаторда асар воқеаларидаги мазмунни ҳам уюштириб туради. “Алпомиш” дostonи матнидаги шеърый мисраларнинг вазни, туроқлари, қофия ва банд тузилишида анъанавий дoston ижрочилиги намуналари сақланганлигини кузатиш мумкин. Умир шоир дostonидаги шеърый мисралар қофияга кўра, асосан, тўртлик банд тузилишидан иборат бўлиб,

²⁰ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.,1947; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида бармоқ системаси. – Тошкент: Фан, 1966; Саидов М. Ўзбек халқ дostonларида бадий маҳорат масаласи.– Тошкент: Фан,1969; Мақсетов Қ. Қарақалпақ қаҳраманлық дастанларининг поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1965; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978; Райхл К. Тюркский эпос. – М.: Восточная литература, 2008; Раҳмонов Б. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фанлари номз. диссер. автореф. – Тошкент, 1998; Раимова Н. Хоразм дostonларининг поэтик тизими (банд, вазн ва қофия мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори диссер. автореф. – Тошкент, 2020.

²¹ Имомов К. ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 256.

бунда изчиллик ва давомийлик кўзга ташланмайди. Бандлар тузилиши иккилик, учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва ҳоказоларда комбинациялаша боради. Ҳатто бандлардан ажралган алоҳида мисралар ҳам мавжуд. Анъанавий дoston ижрочилигида насрий ва назмий мисраларнинг эркин ва барқарор давомийлиги сақланган. Бунда оҳангдорликни ритм ва параллелизмлар юзага келтирган. Кейинги даврда бахшиларнинг саводхонлиги, шеър назариясини пухта ўзлаштирганлиги улар ижро этган дoston матнларида бандларнинг тўртлик ва бешлик шаклида қатъийлашиб бориш ҳолатларини Қодир Раҳимов, Қора ва Чори Умировлар, Боборайим Маматмуродов, Қаҳҳор Раҳимов, Шодмон Хўжамбердиев ва бошқа бахшилар репертуаридан ёзиб олинган дoston матнлари мисолида таҳлилга тортдик.

Қодир бахши репертуарида энг кам қўлланадиган иккилик бандлар а-а, б-б маснавий шаклда, асосий бандлар эса тўрт мисралик бўлиб, уларда қофияланишнинг беш хил кўриниши учрайди. Тўртлик мисралардаги қофияланишнинг бандлар бўйича энг фаол иштирок этиши а-а-б-а ва а-а-а-б шаклида юзага келади. “Жорхун мастон”²² дostonидан олинган ушбу банд тузилишида ҳам қофияланиш тартиби сақланган:

Ҳаволаниб энди мен ҳам учайин,
Тузи ҳақи кўкда қонлар ичайин.
Мастонлар бир фалокатни бошлайди,
Ғирот учун энди жондан кечайин (65-бет).

Беш мисралик бандлар Қодир бахши ижодида ўзига хос ўрин тутади. Бундай бандларда асосий фикр сўнгги икки ёки бир мисрага тушиб, бу мисралар қисман ўзгаришларга учраган ҳолда бандлараро такрорланади. Тўртлик ва бешлик банд тузилиши Қодир бахши ижодидаги асосий шеърини шакл ҳисобланади.

Чори бахши Умиров репертуарида ҳам бандларнинг мисралараро қатъийлашиб бориши мавжуд. Айниқса, унинг “Таркибадахшон”²³ дostonида бандлар тузилишининг тўртлик, бешлик, олтилик, еттилик, саккизлик, тўққизлик, баъзан ўнлик ва ўн бирлик кўриниши мавжуд бўлса-да, бешлик бандлар дoston воқеаларини ҳаракатга келтириш, образларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ кураш ва интилишларни тасвирлашда муҳим ўрин тутади. Қора Умиров, Чоршанби Раҳматуллаев, Қаҳҳор Раҳимов, Шодмон бахши Хўжамбердиевлар репертуаридан ёзиб олинган дostonларда тўртлик ва бешлик банд тузилиши вазн ва қофияланиши жиҳатидан маълум тартиблилик асосида шакллантирилиб, тасвирда изчиллик ва қатъийлик бир хилда давом эта боради. Мисраларнинг бахшилар томонидан бундай тартибли асосда шакллантирилиши анъанавий дostonчиликнинг ривожланиши учун сифат ўзгаришига эришилди дегани эмас, балки бахшиларнинг саводхонлиги, шеър назариясини пухта ўзлаштирганликлари

²² Жорхун мастон. Дoston. Айтувчи Қодир бахши Раҳимов // Нурали. Дostonлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1998.

²³ ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1814/1-3. “Таркибадахшон” (дoston). Айтувчи Чори бахши Умиров. Ёзиб олувчилар А.Қаҳҳоров, А.Эргашев (кўлёзма).

сабабли ижро жараёнида ёзма шеър тузилишига хос унсурларнинг кириб келиши натижасидир.

Кўпчилик бахшиларнинг репертуарида мавжуд дoston матнларини қайта ишлашлари, эпик жараёнга ижодий ёндашувлари натижасида насрий ва назмий мисраларнинг мураккаблашуви, бандлар тузилишининг қатъийлашиб боришига имкон яратмоқда. Бундай ҳол дostonчиликда китобийликнинг кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Айни вақтда бу нарса дostonчиликда қандайдир ўзгариш ёки ривожланиш эмас, балки эпос жонли оғзаки анъаналарининг сўниш жараёнидаги вақтинчалик ҳодисалар сифатида баҳоланиши мумкин.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **“Дoston ижрочилигида парчаланиш ва унинг профессионал сахнага кўчиши”** деб номланган.

Дoston ижро этиш ва тинглаш бахши ва унинг аудиторияси ўртасидаги диалектик жараён бўлиб, бир вақтнинг ўзида икки томонлама эстетик завқни ҳис этиш туйғуси шаклланади. Бахши ўз репертуарида мавжуд анъанавий дostonлар билан тингловчилар аудиториясини завқлантиришга ҳаракат қилса, тингловчилар дoston воқеалари ва қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмаларини ҳис этиш орқали маънавий оламини бойитиб борган. Бундай ўзаро боғлиқлик бахши ва унинг тингловчилари ўртасида асрлар мобайнида шаклланиб келган ижодий ҳамкорликни юзага келтирган ҳамда дostonчиликда маълум қонун-қоидаларни такомиллаштирган. Қолаверса, тингловчиларнинг диди, дoston ижро этишга бўлган талаблари бахшилардан жиддий изланиш ва маҳоратни талаб қилган.

Кейинги вақтда дoston айтишнинг янгича, замонавийлашган кўринишлари пайдо бўлганлиги боис, дoston матнларида парчаланиш, қурамаланиш ҳолатлари пайдо бўлди. Жонли оғзаки ижро ва анъаналарнинг маълум маънода ўзгаришга учраши дoston ижро этишнинг бузилиши, ижрочиликда парчаланиш жараёнларини юзага келтирди. Дoston ва унинг ижрочилари дунёқарашига, ижро усулига ўзгача ёндашув ҳолатларини шакллантирди. Бундай ўзгаришлар Сурхондарё-Қашқадарё ижрочилигига доира, баъзан чанқовузни олиб киришга ундади. Эндиликда бахшилар тўйларда дўмбирага микрофонни улаб, доира жўрлигида шўх-шўх термалар, дostonлардан парчалар айта бошладилар. Дўмбира ва доира жўрлигида шўх оҳанглар, даврадагилар ҳаракатини дoston матнига қўшиб айтиш ёхуд эпосдаги ўйноқи вазнлар ва енгил шеърини мисралардан фойдаланишга эътибор қаратиш дoston матнларида ўзгаришларни юзага келтирди. Шу асосда дoston куйлаш усуллари ўзгариб, у сахнага кўчди. Натижада дoston матнлари даврадаги тингловчилар дунёқарашига мослашиб, унинг тўлиқ ижро қилинмаслигини шакллантирди. Бундай дoston ижро этиш усуллари анъанавий дostonчиликка хос халқона руҳ ва матн муаммоларини юзага чиқармоқда. Биргина устоз кўрган, дoston ижро этиш санъатини оғзаки ўрганган Қора ва Чори Умиров, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор Раҳимов, Шодмон Хўжамбердиев ва бошқа бахшилар репертуари ва ижро услуби ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Маълумки, бахшиларнинг оммабоп тадбирлар, халқнинг маиший турмуши билан боғлиқ маросимларда қатнашиб, терма ва дostonлардан парчаларни ижро этишда ўзига замонавий санъаткор сифатида баҳо бериши дoston матнларида парчаланиш ҳолатларини шакллантириш билан бир қаторда анъанавий сюжетга эркин ёндашув туйғусини кучайтирмоқда. Диссертацияда дoston матнининг парчаланиш ҳолатлари билан боғлиқ ижро жараёнларини Шоберди Болтаевнинг “Ойпарча”, “Алпомиш” дostonларидаги баъзи эпизодларни таҳлил қилиш асосида кўрсатдик. Бахши Ойпарчанинг Маккаи Мадинага кетаётган Шониёз подшоҳга мурожаати тасвирини ижро этар экан, анъанавий матнга тўй эгаларининг дунёқараши асосида ёндашади. Мисол учун, Ойпарчанинг Шониёзга “сизга йўл бўлсин”, деб айтаётган матнида шундай ҳолатлар кўзга ташланади.

Тоғ бетини безаб ётган туман,
Қирқ хотининг мени қўймайди омон,
Менга бўлар сен кетган сўнг охир замон,
Уларнинг қирқ би томон, менинг ўзим бир томон,
Хабаринг борми, хабаринг йўқми, Шониёз?

Дostonнинг Умир шоир Сафаров ва Бўри бахши Аҳмедов²⁴дан ёзиб олинган вариантларида ҳам Ойпарчанинг Шониёзнинг ҳажга бормаслигини илтижо қилиш тасвирлари мавжуд бўлиб, уларда тасвирни умумлаштириш етакчилик қилади. Жумладан, Умир шоир вариантыда Ойпарча тилидан айтилаётган тасвирда шундай руҳий ҳолат кўзга ташланади:

...Меҳнатимни кетма бундай зоя қип,
Бу Зангарда бу бахтимни қора қип.
Сарғайтиб кетмагин ёруғ юзумни,
Қулоққа тут Ойпарчанинг сўзини,
Ўзинг билмайсанми гапнинг изини? (217-бет).

Шоберди бахши вариантыда ушбу тасвир индивидуаллашиб, бахшининг воқеага тингловчи дунёқараши асосида баҳо бериш жараёни яққол кўзга ташлана боради. Ҳаттоки, бахши Ойпарча тилидан қирқ хотиннинг душманлик қилиш эпизодини олдиндан кўргани каби подшоҳ Шониёзга ёлбориш оҳангида айтмоқда. Бу ҳолат Умир шоир вариантыда “Ўзинг билмайсанми гапнинг изини?” сўроғи орқали қирқ хотиннинг унга душманлик қилиш тасвирини эмас, балки унинг ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган қисмати айтилмоқда. Чунки айрилиқ жараёнида тақдирда юз бериши мумкин воқеалар вақт, фурсат масаласи билан боғлиқ. Умир шоир ана шу тасвирни халқона руҳда тасвирлайди.

Диссертацияда Шоберди Болтаев, Илҳом Норовларнинг “Алпомиш” дostonи матнини парчалаш асосида ижро этиши, бунда анъанавий ижронинг эстетик аҳамияти ўзгара бориши ҳақида фикр билдирилган. Тегишли назарий хулосаларга келинган, шу билан бир қаторда бахшичиликнинг жонли

²⁴ Ойпарча. Дoston. Айтувчилар Умир шоир Сафаров ва Бўри бахши Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, М.Жўраева // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 8-жилд. Сўзбоши, илмий изоҳлар ва резюме муаллифи М.Жўраев. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2016.

жараёнларда сўниши, анъанавий устоз-шогирдлик муносабатларидаги сустлашув ёки аксинча унга амал қилмаслик бахшиларнинг дoston матнига эркин ёндаша бошлашида ҳам кўринади. Бундай ҳолатлар сюжетдаги воқеалар тасвирини мураккаблаштириш (ёзма адабиёт кўриниши асосида тасвирлаш), бахшининг барча билганларини бир дostonга тикиш, мавжуд вариантлардан бошқачароқ қилиб айтишга интилиш, бир дostonга хос эпизодларни бошқасига кўчириш кабиларда кўзга ташланмоқда. Бу эса дoston ижроси, унинг вариантларида қандайдир қурамалик, ҳатто бир-бирига зид тасвир пайдо қилмоқда. Эпик анъанани сақлай олмаслик ёки билиб-билмасдан дoston воқеаларига истаган кўшимчаларни бирлаштириш дostonчиликда сифат ўзгаришига эришилди дегани эмас, балки маълум давр ижроси учун юзага келган вақтинчалик ҳолатлардандир. Албатта, бахши “истагани”ни айтганда юз берадиган кўриниш унинг истейдодидан дарак бермайди. Эпик анъананинг устоздан шогирдга оғзаки шаклда етиб келган вариантлари айни шу жойда намоён бўлади. Тадқиқотда “Алпомиш” дostonининг Хушвақт Мардонақулов, Абдуназар Поёнов вариантларида киритилган қизларнинг сайлбоғ чиқиш, ов тасвирлари, шунингдек, терма жанрининг дoston матнларида қўлланиш хусусиятлари таҳлилга тортилди.

Шунингдек, бу даврда яшаган Қора ва Чори Умировлар, Чоршанби Раҳматуллаев, Хушвақт Мардонақулов, Абдуназар Поёнов, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Қаҳҳор Раҳимов каби устоз кўрган, анча танилган бахшилар репертуаридаги дostonларда ҳам китобийлик, ясама ижодкорлик, бир дostonга хос хусусиятларни иккинчиси билан аралаштириш каби ҳолатлар устунлик қилади. Уларда ўзларини у ёки бу дostonнинг муаллифи даражасида ҳис қилиш ҳолатлари кучайиб бормоқда. Бундай ҳолат ёппасига сохта ижодкорликка интилишни кучайтирдик, натижада дostonларнинг анъанавий матнларига бўлар-бўлмас, асосиз ўзгартиришлар киритишга олиб келди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Бахшилар ижросида индивидуал ижодкорликнинг кучайиши ва дostonчиликда анъананинг бузилиш ҳолати”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи фасли **“Терма ижодкорлиги ва бадий талқин муаммоси”**га бағишланган. Ушбу бобда бахшилар ижросида терма ижодкорлигининг кучайиб бориш омиллари, термалар мавзусининг ижтимоийлашуви, термачи бахшилар ижроси, бахшилар ижросида индивидуал ижодкорликнинг кучайиши натижасида анъанавий сюжетнинг бузилиш ҳолатлари таҳлил қилинади.

Терма ва дostonлар бахшилар репертуарининг асосини ташкил этса-да, улар ижро этилиши ва бадий-функционал вазифаси нуқтаи назаридан фольклорнинг алоҳида жанрлари ҳисобланади. Мисол учун, термалар ижро шакли, маълум бадий-функционал вазифа бажариши жиҳатидан фольклорнинг бошқа жанрларидан фарқланади.

Термалар дostonлар каби бирор чолғу асбоби ёрдамида ижро этилиб, воқелик ўрни, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, қатъий образлар тизими ва яхлит сюжет асосида шаклланганлиги билан фарқланади. Ўзбек

фольклоршунослигида термаларнинг ижро хусусиятлари, жанр белгилари, гоъвий-бадий жиҳатлари назарий асосда Т. Мирзаев, А.Мусакуловлар тадқиқотларида кўрсатиб ўтилган²⁵.

Термалар бадий-функционал жиҳатдан бир неча вазифани бажариб, бахшилар репертуарининг асосини ташкил этган. Кейинги вақтларда ижтимоий ҳаётимизга замонавий санъат турларининг кириб келиши бахши-шоирлар ижросига бўлган эътиборнинг кескин сусайиши, ёхуд устоз-шогирдлик муносабатларидаги узилишлар бахшичилик санъатида терма ижодкорлигининг кучайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Бахшилар ижроси аудиториянинг дунёқараши билан мослашди. Эпик макон ва вақтнинг тингловчилар дунёқарашида акс этиши, матнга воқелик руҳидан келиб чиққан ҳолда ёндашув терма ижодкорлигининг кучайиб боришини тезлаштирмоқда.

Бахшининг эпик хотира ва билими ёзма манбалар таъсирида уйғунлашди. Китобий унсурларнинг оғзаки ижрога таъсири анъанавий матннинг маълум маънода ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан дostonлар каби терма матнларига нисбатан индивидуал ижодкорлик туйғуси шакллана борди. Жонли жараёнда юзага келган ўзгаришлар термаларни эркин мавзуларда айтиш, ижод қилиш малакаларини шакллантирмоқда. Бахшилар терма ижросига маълум мавзулар асосида эмас, балки воқелик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ижод қилиш кўникмасини шакллантирмоқда. Бу каби хусусиятлар термаларга хос кириш ва бадий-функционал вазифаларни ўзгартирди. Термаларда муаллифли ижод намуналарининг кучайиб боришини таъминламоқда.

Устоз-шогирдлик анъаналаридаги узилишлар мустақил термачи бахшилар авлодини шакллантирдик, улар анъаналарга ўзи билмаган ҳолда ўзгартиришлар киритиб термалар мавзусини ижтимоийлаштирди. Бугунги кунда дostonчи бахшиларга нисбатан термачи бахшиларнинг кўпаяётганлиги термаларнинг мустақил ижросини кучайтирмоқда. Бундай ҳолатлар бахшиларнинг дoston ижросига кўра терма ижро этишига кенг имкон яратмоқда. Эпик ижродаги узилиш ҳолатлари нафақат дoston матнларида, балки терма куйлари ва ижро шаклларида ҳам замонавий талқинларни ва мавзуларни оммалаштирди.

Ҳозирги бахшилар ижросидаги термалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар лирик кўшиқ ижрочилигига уйғунлашиб бораётганлиги, термаларнинг куйлари ва оҳангини ташкил этувчи вазн, қофия, нақаротлар анъанавий ижрога нисбатан замонавий талқинларга мос хизмат қилмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар терма матнида бадийлик муаммосини юзага чиқариб, бахшини индивидуал ижро қилишга, термаларнинг ёзма равишда тарқалишига имкон яратмоқда. Анъанавий ижро этилган, устоздан шогирдларга оғзаки ўзлашиб, ижрода мукамаллашган термаларда, биринчидан, фольклорга хос руҳ етакчилик қилса, иккинчидан, улар маълум мавзуларда ижрога мослашган

²⁵ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре: Автореф. диссер. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984.

хамда бадийлик даражаси муҳим аҳамият касб этган. Бунда импровизация ва ижодий маҳоратнинг ўрни анъаналар доирасида белгиланган.

Бахшиларнинг ижодкорлик қобилиятларидан фойдаланган ҳолда турли мавзуларда термалар яратишга интилиши, фольклорга хос анъана ва вариантлашув жараёнларининг индивидуаллашиши, анъанавий ижро ва матннинг бахши иқтидоридан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилаётганлиги ҳам жонли ижродаги ўзгаришлар билан боғланади. Бу каби ҳолатлар бахши репертуарида термаларнинг анъанавий ижросига нисбатан замонавий мавзу ва талқинларини кучайтирмоқда. Баъзан устоз кўрган, дoston ижро этиш усул ва йўллари яхши ўрганган талантли бахшилар ижросидаги термаларда ҳам китобийлик унсурлари, эпик дунёқарашнинг замонавийлашган тасвири кўзга ташланади. Мисол учун, Қора ва Чори Умировлар, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Рўзи Қултўраев, Чоршанби Раҳматуллаев, Маҳматмурод бахши, Қахҳор ва Абдумурод Раҳимовлар, Шодмон бахши Хўжамбердиевлар ижросида бу каби хусусиятлар мавжуд. Буни биз Умир шоир Сафаров репертуаридан ёзиб олинган “Айрилса” термасини Қора Умиров, Қодир ва Қахҳор Раҳимовлар репертуаридан ёзиб олинган вариантларга қиёслаш асосида таҳлил қилдик.

Умир шоирнинг “Айрилса” термасида халқона услуб, анъанавий ижро шакли сақланган. Чунки бахши яшаган ва ижро этган даврда ҳали дostonчилик анъаналари давом этаётганлиги, қолаверса, бахши хотирасида сақланган терма куйлари ва сўз ижроси анъаналар замирида уйғунлашган. Иккинчидан, бахшининг эпик билими, хотирасида мавжуд ижро услуби ўзгармаган. Тадқиқотда биз бу каби хусусиятларни “Айрилса” термасини таҳлил қилиш асосида кўрсатдик. Дostonчи бахшилар билан бугунги кунда бахши сифатида ўзини баҳоловчи ёшларнинг термаларини қиёслаш асосида бадий матн муаммоси масалаларига эътибор қаратилди.

“Дoston матнининг бузилиши ва сохта дostonларнинг эпик билим таназзулига асос бўлиши” деб номланган тўртинчи бобнинг иккинчи фаслида анъанавий сюжетнинг бузилиши ва сохта дostonларнинг ижро этилиши ҳақида фикр юритдик.

Ижтимоий-маиший ҳаётимизда юзага келган бугунги маданий ўзгаришлар бахши ва унинг ижро репертуарига таъсир кўрсатаётганлиги дoston матнининг бузилиши ва сохта дostonларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, бахшиларнинг устозлари анъанасига эътибор қаратмаслиги ўзлари куйлаётган дoston матнининг бузилишига ҳамда эпик билимнинг таназзулига юз тутмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунда бахшилар эпик анъана доирасида дoston ижро этишга ҳаракат қилсалар-да, ҳозирги адабий-маданий муҳит туфайли ўзларида муаллифлик ҳисси, анъанавий эпосга ижодий ёндашув туйғуси кучайиб бормоқда. Натижада бахши дoston ижро этиш жараёнида куйлаётган дostonига билиб-билмасдан ўзгартиришлар киритмоқда. Бу нарса фольклордаги индивидуал ва жамоа ижод мутаносиблигининг бузилишига ва сохта дostonларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Кўпчилик бахшиларнинг анъанавий

достонлар сюжет ва мотивлари асосида янги-янги комбинацияларда ўз вариантларини “ясаб” ижро этишга уринишлари ҳам мана шундай ҳолат билан изоҳланади. Бундай “достонлар” айрим бахшиларнинг “ёзувчилик”, “шоирлик”ка интилиши, илгари эпик анъанада бўлмаган достонларни тўқишга уриниши маҳсулидир. Оғзаки анъаналарнинг бузилишига ва сохта достонларнинг юзага келишига биргина “Алпомиш” достони яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда "Алпомиш" достони каттакон туркумни ташкил этган бўлиб, 32 достондан иборат деган асоссиз фикрлар пайдо бўлди. Ҳатто, бадийликдан йироқ бўлган "Хурсўна", "Ёдгор" каби Чоршанби Раҳматуллаевдан ёзиб олинган вариантлар ҳам тўла ўрганилмай, нашр этилди. Оғзаки эпик анъаналарга ёзма адабиёт ва театр санъатининг таъсири кучайган даврда, хусусан, бахшилар ўзларини "муаллиф", "шоир" сифатида ҳис эта бошлаганларида бундай жараёнлар тезлашди.

Чори бахши Умировнинг “Алп Қўнғиротбек”, Чоршанби бахши Раҳматуллаевнинг “Хурсўна” достонлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин²⁶. Мисол учун “Алп Қўнғиротбек” Чори бахши репертуарида қайд этилган бўлиб, унинг анъанавий матни достончилик ривожланган даврда мавжуд бўлмаган. Ҳаттоки, бахшининг отаси – устози Умир шоир Сафаров репертуаридан кўплаб анъанавий достонлар, айниқса, “Алпомиш” ёзиб олинган бўлса-да, Алпомиш шажараси билан боғлиқ достонлар мавжудлиги айтилмаган. Чори бахши Умиров репертуаридаги достоннинг оғзаки анъаналарда мавжуд бўлмаганлиги ва ёзиб олинмаганлигининг ўзиёқ унинг вариантлашмаганлигидан далолат беради. Ҳаттоки, Қаҳҳор Раҳимов репертуаридан ёзиб олиниб, чоп этирилган “Қўнғирот”²⁷ достони сюжети билан ўхшашлик ҳолати сезилмайди.

Сюжет, мотив ва образларнинг анъанавий тарзда достончилик мактаблари ва бахшилар репертуарида ўзлашиши ҳамда давом этиши, албатта, эпик муҳит ва тарихий шарт-шароитнинг зарурати билан боғлиқ ҳолатлардан ҳисобланади. Достоннинг жонли оғзаки анъаналарда ўзлашмаганлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, у Чори бахши репертуаридаги бир марталик акт сифатида баҳоланади. Тадқиқотда “Бева Барчин”, “Хурсўна” каби достонлар ҳақида фикр билдирилган.

Умуман олганда, анъанавий достон сюжетлари асосида сохта достонларнинг юзага келиши ва матннинг бузилиш ҳолати юқорида қайд этилган бахшилар репертуари учун хос бўлиб, бундай жараёнлар достончилик санъатининг сўниши жараёнидаги бир марталик актдир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

²⁶ Алп Қўнғиротбек. Достон. Айтувчи Чори бахши Умиров. – Тошкент: Тафаккур, 2014; Хурсўна. Достон. Айтувчи Чоршанби бахши Раҳматуллаев. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Р.Мустафақулов. – Термиз: Жайхун, 1999.

²⁷ Қўнғирот. Достон. Айтувчи Қаҳҳор бахши Раҳимов. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

1. Бахшичилик санъатининг гултожи ҳисобланган эпос тарихий хотира, халқ қаҳрамонлик характерининг рамзий ифодаси бўлиб, унинг ижро ва ижодкорлик фаолияти бахши-шоирлар, жировлар, оқинлар, қиссахонлар ва халфаларнинг барқарор анъаналар доирасида шаклланган меҳнатлари маҳсули асосида етиб келди. Бахши ва унинг ижроси асосида шаклланган дostonларнинг ғоявий асосида халқ маиший ҳаёти, яшаш тарзи, орзу-умидлари ҳамда келажакка бўлган қарашлари умумлашма образларда бадиий акс эттирилган. Шунинг учун ҳам бахши-doston-эпик қаҳрамон халқ тақдири, унинг кураш ва интилишларини поэтик деталларда ифодалаганлиги боис узоқ асрлардан буён эстетик аҳамият касб этди.

2. Бахшичилик ва dostonчилик санъати қадимги даврдан буён ўзига хос анъаналар замирида шаклланиб, тараққий этиб келган бўлса-да, уларни фольклоршунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш ишлари XX асрнинг бошларига тўғри келади. Эпоснинг назарий масалаларини ўрганиш ўтган асрнинг 40-йилларидан В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовларнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” номли тадқиқотидан бошланган. Фольклоршуносларнинг XX асрда олиб борган илмий кузатишлари республикада бир қатор dostonчилик марказлари, ўнлаб dostonчилик мактаблари мавжуд бўлганлигини кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ҳудудларидаги dostonчилик мактабларининг мавжудлиги, уларнинг ижро репертуари, устоз-шогирдлик муносабатлари, doston ижросига хос усул ва йўллари аниқланди.

3. Жанубий Ўзбекистон воҳасида мавжуд dostonчилик мактаби анъаналари умумўзбек dostonчилик ижро усуллари асосида шаклланган бўлса-да, ижродаги хусусийлик уларни фарқлаб турувчи асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳаттоки, Кофрун, Бойсун, Шеробод, Чирокчи, Қамай dostonчилик мактаблари ижро усуллари ва йўлларида ҳам бири-биридан ажралиб турувчи томонлар мавжуд.

4. Бахшилар ижро репертуари, унинг ўзига хослиги, doston сюжетида қадимий мотив ва образларнинг сақлаганлиги, doston ижро этиш ва устоз-шогирд анъаналарида қатъий амалларга эътибор қаратганлиги, қолаверса, бугунги жонли оғзаки анъаналарнинг нисбатан сақланишида Шеробод dostonчилик мактаби вакилларининг алоҳида ўрни бор. “Малла савдогар”, “Оллоназар Олчинбек”, “Олтин қобоқ”, “Зайидкул”, “Таркибадахшон”, “Шаҳиднома”, “Келиной” каби dostonлар фақатгина шу мактаб доирасида ижро этилган. 60–80-йиллар Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарининг қайта жонланиши Қодир бахши Раҳимовнинг dostonчилик фаолияти билан боғланади.

5. XX асрда кечган илмий-техникавий ривожланиш, глобаллашув, ахборот алмашувининг тезлашгани, халқимиз оммавий саводхонлик даражасининг ошгани, ёзма адабиёт ва бошқа санъат турларининг халқ маданий ҳаётидан кенг ўрин олганлиги оғзаки ижро ва анъаналарнинг маълум маънода ўзгаришига олиб келди. Doston ижро этишнинг саҳнавий талқинлари пайдо бўлди. Doston ижро этиш ва унга бўлган қизиқиш

республикамизнинг бир қатор ҳудудларида сўнган бўлса-да, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида давом этмоқда. Маҳаллий аҳолининг бахши ва унинг санъатига қизиқиши, оммавий тадбир ва чиқишларда уни тинглашга бўлган эҳтиёжи ушбу санъатнинг нисбатан жонли оғзаки ижрода давом этишига имкон яратмоқда. Аммо бунда анъанадан узилиш, бахшиларнинг янгича талқинда дoston ижро этиш кўникмаси шаклланди.

6. Эпосни ўзлаштиришда барқарор узвийликнинг давом этмаганлиги бахшилар ижросида индивидуал ижодкорликнинг кучайиши, дostonчиликда анъананинг бузилиши ва сохта дostonларнинг эпик билим таназзулига асос бўлди. Бундай ҳолатлар репертуарда “ясама”, “сунъий” дostonларни шакллантириб, “Темурнома” қиссаси сюжети асосида “Соҳибқироннинг туғилиши” (Рўзи бахши Қултўраев), “Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги” (Чори бахши Умиров) каби дoston “яшаш” ҳоллари, анъанавий дostonчилик йўлида “Темур ва Боязид”, “Аҳмад Яссавий”, “Самарқанд таровати” (Қаҳҳор бахши Раҳимов) каби янги дostonлар ижод қилиш, яхлит “Алпомиш” дostonини парчалашга уриниш, анъанавий дoston сюжети асосида “Али Қўнғиротбек” (Чори бахши Умиров), “Хурсўна” (Чоршанби Раҳматуллаев), “Бева Барчин”, “Қўнғирот” (Қаҳҳор Раҳимов) ва бошқа шу каби дostonларнинг яратилишига сабаб бўлди.

7. Эпик хотира, билим ва дунёқарашнинг маданий омиллар билан уйғунлашуви бахшиларнинг устозларидан ўрганган дostonлар матнлари билан бир қаторда, ўқиб ўзлаштириш, ёзма манбалар асосида “дoston яратиш” усулларига ўтишига имкон яратди. Бундай дoston матнларида тасвир мураккаблашиб, фольклорга хос тил ва халқона руҳ бузилди.

8. Бахшиларнинг дoston матнларини тўлиқ ижро этмаслиги дoston ижрочилигида парчаланиш ҳолатини юзага келтирди. Натижада бахшилар ўзларига замонавий санъаткор сифатида баҳо бериб, дostonлар ижросини профессионал сахнага олиб чиқдилар. Эпик санъатга ўргатиш усуллари ўзгарди. Бир пайтлар устоз бахшилар шогирд тайёрлаш анъанасига алоҳида эътибор қаратганлар. Ҳаттоки, шогирд бахшилар дoston куйлаш усул ва йўллариини ўрганиш, ўзлаштириш, хуллас, уста бахши сифатида шаклланиш учун икки, уч йиллар мобайнида устозлар тарбиясида бўлган. Устозлар дуосини олиб, махсус синовдан ўтказилган. Бугунги кунда эса созда бир-икки кўй чертишни ўрганиб, бахшичиликка даъво қилиш ҳоллари учрамоқда. Бундай ҳолатлар дoston ижро этишга нисбатан терма ижрочилигини кучайтирмоқда.

9. Дoston куйлари ва ижро усуллариининг профессионал санъатга кўчиши замонавий эстрада ижрочилигида миллий оҳанг ва куйнинг уйғунлашувига сабаб бўлмоқда. Бундай жараён Маҳмуд Намозов ва Ҳосила Раҳимова ижросида яққол кўзга ташланмоқда.

10. Бахшичилик ва дostonчилик санъатининг бугунги кунда ёзма, аудио ва видео вариантлари ҳамда сахнавий кўринишлари мавжуд бўлиб, улар янгича ижро шаклларида хизмат қилади. Умуман, халқ дostonчилиги халқнинг этномаданий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унда халқ руҳий эътикод

ва анъаналари умумлашма бадий ифодасини топган экан, бахшичилик ва дostonчилик санъати ўзининг янгича талқинлари билан яшайди ва авлодларга хизмат қилишда давом этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЧИЛОВ НАСИМ КАМОЛОВИЧ

**СОСТОЯНИЕ СОХРАННОСТИ ДАСТАННЫХ ТРАДИЦИЙ
В КОНЦЕ XX – НАЧАЛЕ XXI ВЕКА**

10.00.08 – Фольклористика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора филологических наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан № B2018.1.DSc / Fil111.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета www.tai.uz, а также Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Тура Мирзаев

доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Алламбергенов Кенесбай

доктор филологических наук, профессор

Эшонкулов Жоппор Солиевич

доктор филологических наук, профессор

Сариев Санъатжон Матчонбоевич

доктор филологических наук

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени
Алишера Навои**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.46.01 по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан. (Адрес: 100060, Ташкент, проезд Шахрисабзский, дом 5.Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 100100, Ташкент, улица Зиёлилар, дом 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(Протокол реестра рассылки № ____ от _____ 2021 года).

Б.Тухлиев

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.филол.н., проф.

Л.Худайкулова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, к.филол.н.

Ш.Турдимов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой фольклористике особое внимание уделяется определению генезиса эпической традиции, её эволюционному развитию и исполнительскому мастерству бахши в контексте национального художественного мышления. В этой связи было доказано, что самобытная природа типа эпического исполнителя, имеющего различные наименования среди народов мира, манера исполнения, принципы формирования и развития отношений наставник-ученик, факторы обогащения эпического репертуара, техника исполнения бахши, их мастерство и художественно-эстетические вкусы в историко-генетическом аспекте представляют собой разные проявления взаимосвязанного общего творческого процесса. А это, в свою очередь, стало основой для появления в мировой, в частности, в тюркской фольклористике множества исследований, посвященных таким теоретическим вопросам национального эпосоведения, как эпический исполнитель и традиции его исполнения, формирование эпического репертуара, дастанные школы, генезис дастанов, их классификация и поэтика, эпический сюжет, типология образов и мотивов.

В последние годы методологические подходы в мировом эпосоведении были обновлены концептуально на основе структурно-типологического, функционально-семиотического методов и способа психологического анализа. В частности, в трудах А.Лорда, исследовавшего эпическую традицию, сохранявшую свой уровень живого исполнения в Югославии до второй половины XX века, а также его американского коллеги М.Пэрри, немецкого фольклориста К.Райхла, изучавшего исторические основы эпического творчества тюркских народов, типологию национальных версий и вопросы исторической судьбы творчества бахши, подтверждено, что возникновение дастана и дастанного искусства, развитие и сохранение художественной традиции непосредственно связано с сохранностью отношений наставничества-ученичества среди эпических исполнителей. Действительно, эпическое творчество представляет собой этнокультурную ценность, сформировавшуюся в рамках устойчивых традиций поэтов-бахши, жырау, акынов, сказителей-киссаханов и сказительниц-халфа. Особенности в эстетическом идеале бахши, воплощающие народные чаяния и мечты, благополучную жизнь и героический характер в рамках эпоса, сохранились посредством эпической памяти. Традиция исполнения и воспроизведения эпической действительности бахши, приведя к профессионализации в искусстве бахши и дастана, способствовала его широкой популяризации.

В новом Узбекистане придается особое внимание сохранению национальных ценностей, в частности, наблюдается уважительное отношение к творчеству обладающих высочайшей профессиональной

подготовкой бахши, исполняющих народные песни и дастаны, сохраняющих их и передающих последующему поколению, к сохранению искусства бахши, связывающего древность с настоящим днем, его развитие, осуществляется всесторонняя поддержка творческой деятельности молодых бахши. В нашей стране, в связи с тем, что изучение и популяризация творчества и деятельности бахши, подняты на уровень государственной политики, начался новый этап в аспекте обстоятельного исследования формирования народного эпоса, его эволюции и идейно-художественных особенностей. “О проведении Международного фестиваля искусства бахши” приводятся указания, состоящие из таких существенных аспектов, как “сохранение и развитие уникальных образцов узбекского национального искусства бахши и дастана, его широкая популяризация, усиление уважительного и внимательного отношения молодого поколения к данному виду искусства, укрепление уз дружбы и товарищества среди различных народов, дальнейшее развитие на международной арене творческого сотрудничества, культурно-просветительских контактов”²⁸, такого рода распоряжения открыли дорогу для новых возможностей в деле сохранения искусства бахши и дастана не только в живом исполнении, но и в изучении данного искусства в контексте творчества народов мира.

Изучение таких вопросов, как историческая эволюция искусства бахши и дастана, мастерство бахши при исполнении дастана, традиции наставничества и ученичества в дастанных школах, идейно-художественные свойства дастанов, внимание к силе художественного воздействия музыки и слова, является одним из актуальных направлений в современной узбекской фольклористике. Актуальность и востребованность диссертации определяет то обстоятельство, что вопросы, связанные с уровнем сохранности творчества бахши в нынешнем живом процессе, эпической традиции в исполнении бахши, местом его познаний и мировоззрения, влиянием общественно-культурных факторов на живое устное исполнение и устойчивую органичность, а также со степенью сохранения дастанного исполнения, были изучены на основе материала искусства бахши, продолжающего бытовать в Сурхандарье и Кашкадарье, в тесной связи с динамикой историко-фольклорного процесса.

Данное диссертационное исследование может в определенной мере служить для претворения в жизнь задач, вытекающих из постановлений Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательских работ” от 17 февраля 2017 года № ПП-2789, “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и популяризации древнейших письменных источников” от 24 мая 2017 года № ПП-2995, “О проведении

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил, 2 ноябрь.

Международного фестиваля искусства бахши” от 1 ноября 2018 года № ПП-3990, “О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши” от 14 мая 2019 года № ПП-4320, Постановления Кабинета Министров “О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши и дастанов” от 24 апреля 2018 года № VMQ-304, а также в другой нормативно-правовой документации, имеющей отношение к указанной деятельности.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития наук и технологий в республике I. «Формирование и внедрение системы инновационных идей в социальном, правовом, культурном, духовно-нравственном развитии демократического государства и информатизированного общества».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.²⁹

В целях определения своеобразия эпического творчества, генезиса и художественной эволюции дастанных традиций, поэтики народного эпоса, мастерства бахши, истории формирования эпических сюжетов, источников и эволюционного развития, места дастанных традиций в развитии национального поэтического мышления осуществляется множество новых научных исследований в ведущих университетах и научных центрах во многих странах мира. В частности: University of Harvard (США), University of Bonn (Германия), University of British Columbia (Канада), Academy of Korean Studies Grant (Республика Корея), Ege Universiteti (Турция), Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, институт Мировой литературы, Воронежский государственный университет, Казанский государственный университет (РФ); Vilniaus Universitetas (Lithuania), Київський національний університет (Украина), Bakı Dövlət universiteti, Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor İnstitutu (Азербайджан), Еуразия ұлттық университеті (Казахстан), Кыргыз улуттук университети (Кыргызстан) и Институт узбекского языка, литературы и фольклора (Узбекистан), в которых достигнуты существенные научные результаты.

В связи с тем, что в мировой фольклористике активизировался фактор анализа текста народного эпоса в качестве макрокультурного контекста, достигнуты новые результаты относительно определения творческих процессов, связанных с эпическим репертуаром и источниками его формирования, генезиса и исторической эволюции сюжета эпоса, образа и мотивов, в частности, выяснена национальная самобытность дастанов тюркских народов, версии и варианты эпических сюжетов, художественность героического эпоса, история формирования типа эпического исполнителя (University of Bonn, Германия); подтверждено, что эпическая традиция

²⁹ Обзор зарубежной научной литературы по теме диссертации осуществлен на основе: <https://www.harvard.edu/>; <https://www.columbia.edu/>; <https://www.publishersweekly.com>; <https://www.publishersweekly.com/pw/bytopic/industrynews/tipheet/article/>; <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/fulllist/special/>; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razvitiya-i> и других источников.

